Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 250 (6111).

22 ДЕКАБРЬ ПАЙШАНБА

1977 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Тўққизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг бешинчи сессияси 21 декабрь куни Тошкентда ўз ишини давом эттирди.

Эрталаб соат 10 да учинчи мажлис бошланди. Мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Совети Раиси депутат **С. Ҳ. Сирожиддинов** очди.

Депутатлар сессиянинг кун тартибидаги тўртинчи масалани муҳокама қилишга киришдилар. «Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги Ўзбекистон ССРнинг Қонуни лойиҳаси ҳақида» республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари депутат **Р. Ҳ. Абдуллаева** доклад қилди.

Кун тартибидаги шу масала юзасидан музокаларда депутатлардан **Ғ. Нажимов** (175-Зармитон сайлов округи), **Ф. Норхўжаев** (437-Саёт сайлов округи), **Ш. Н. Ҳусенова** (274-Сиёб сайлов округи), **М. С. Омонова** (154-Ленин сайлов округи) сўзга чиқдилар.

Депутатлар тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида Ўзбекистон ССРнинг қонунини бир овоздан қабул қилдилар.

Олий Совет Ўзбекистон ССР Олий судини бир овоздан сайлади. Олий суд раислигига яна депутат **Х. Муҳиддинова** сайланди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисида Олий Совет Президиумининг секретари депутат **Ҳ. М. Пўлатова** доклад қилди.

Олий Совет ўз муҳокамасига тақдим этилган Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонларини бир овоздан тасдиқлади.

Шу билан тўққизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг бешинчи сессияси ўз ишини тамомлади.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ
ЎЗБЕКИСТОН ССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1978 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1-м о д д а. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети тақдим этган Ўзбекистон ССРнинг иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1978 йилги Давлат плани Ўзбекистон ССР Олий Советининг План-бюджет, Саноат, Қурилиш ва биноқорлик материаллари саноати, Транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа, Қишлоқ хўжалиги, Сув хўжалиги, Табиат ва ер ости бойликларини қўриқлаш, Халқ маорифи, Фан ва маданият, Соғлиқни сақлаш ва социал таъминот, Савдо ва умумий овқатланиш, Коммунал хўжалик ва маиший хизмат кўрсатиш, Ишлар масаласи бўйича, Хотин-қизлар меҳнати ва турмуши ҳамда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари бўйича комиссиялари киритган тузатишлар ҳисобга олинган ҳолда тасдиқлансин.

2-м о д д а. Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари юзасидан 1978 йил учун қуйидаги ўсиш суръатлари белгилансин:

(1977 йилга нисбатан процент ҳисобида)

Ҳосил қилинган миллий даромад	3,6
Саноат маҳсулоти — жами	4,5
шу жумладан:	
ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш	3,9
истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш	6,2
Давлат капитал маблағлари (Ўзбекистон ССР Министрлар Советига қарашли хўжаликлар бўйича)	1,0
Умумий фойдаланиладиган автомобиль транспорти юк обороти	8,1
Саноат фаолиятидан тушадиган фойда (республика қарамоғидаги хўжаликлар бўйича)	11,5
Аҳоли жон бошига реал даромадлар	2,1
Иш ҳақи фонди (республика қарамоғидаги хўжаликлар бўйича)	10,7
Аҳоли жон бошига ижтимоий истеъмол фондлари	3,2
Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар обороти	5,3
Аҳолига кўрсатиладиган маиший хизмат ҳажми	10,0
Давлат бюджетида бўлган мактабгача тарбия муассасаларидаги болалар сони	5,8
Куни узайтирилган мактаблардаги (ёки группалардаги) ўқувчилар сони	23,7
Ҳунар-техника билим юртларига ўқувчилар қабул қилиш	7,9
шу жумладан, умумий ўрта маълумот ва ҳунар тайёргарлиги берадиган ҳунар-техника билим юртларига ўқувчилар қабул қилиш	23,0
Ўрта махсус ўқув юртларининг кундузги бўлимларига ўқувчилар қабул қилиш	6,6
Олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига ўқувчилар қабул қилиш	2,0
Касалхоналардаги ўринлар сони	4,6

1978 йилда маблағ билан таъминлашнинг ҳамма манбалари ҳисобига умумий саҳни 5,4 миллион квадрат метр ҳажмида бўлган уй-жойлар қурилсин.

3-м о д д а. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1978 йилги Давлат планини амалга ошириш жараёнида социалистик мусобақани авж олдириш, фан-техника тараққиёти ютуқларидан ҳар томонлама фойдаланиш, экономикага раҳбарлик қилиш формалари ва методларини такомиллаштириш, барча ички резервларни сафарбар этиш асосида меҳнат унумдорлигини, ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ўстириш ва иш сифатини яхшилаш тадбирларини амалга ошириш ва зарур бўлиб қолган ҳолларда план топшириқларига аниқликлар киритиш вазифаси юклатилсин.

4-м о д д а. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1978 йилги Давлат плани юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг План-бюджет ва бошқа доимий комиссиялари хулосасида баён қилинган таклифлар ва мулоҳазаларни, шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Совети мажлисларида депутатлар томонидан айтилган таклифлар ва мулоҳазаларни кўриб чиқиш ҳамда улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПЎЛАТОВА.

1977 йил 20 декабрь.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ
ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1978 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қ а р о р қ и л а д и:**

1-м о д д а. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети тақдим этган Ўзбекистон ССРнинг 1978 йилги Давлат бюджети Ўзбекистон ССР Олий Советининг План-бюджет ва бошқа доимий комиссиялари киритган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда даромадлар ва харажатлар бўйича жами 4.739.442 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

2-м о д д а. Ўзбекистон ССРнинг 1978 йилги Давлат бюджетида давлат ва кооператив корхоналаридан ҳамда ташкилотларидан олинадиган даромадлар—оборот солиғи, ишлаб чиқариш фондлари учун олинадиган ҳақ, рўйхатга олинган тўловлар, фойданинг эркин қолдиғи, фойдадан ажратмалар, даромад солиғи ва социалистик хўжаликдан келадиган бошқа даромадлар—жами 4.044.230 минг сўм миқдорида белгилансин.

3-м о д д а. Ўзбекистон ССРнинг 1978 йилги Давлат бюджетида халқ хўжалигини—оғир саноат, қурилиш индустрияси, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги, транспорт, уй-жой-коммунал хўжалигини ҳамда халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантиришни маблағ билан таъминлашга қилинадиган харажатлар—жами 2.051.589 минг сўм миқдорида белгилансин.

4-м о д д а. Ўзбекистон ССРнинг 1978 йилги Давлат бюджетида социал-маданий тадбирларга—умумий таълим мактаблари, ҳунар-техника, махсус ўрта ва олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот муассасалари, кутубхоналар, клублар, театрлар, матбуот, телевидение, радиоэшитириш ҳамда маориф ва маданиятга оид бошқа тадбирларга; касалхоналар, болалар яслилари, санаторийлар ҳамда соғлиқни сақлаш ва физкультурага доир бошқа муассасаларга; пенсия ва нафақалар тўлашга ажратиладиган маблағлар—жами 2.544.557 минг сўм миқдорида белгилансин.

5-м о д д а. Ўзбекистон ССРнинг 1978 йилги Давлат бюджетида давлат ҳокимияти органларини, давлат идора органларини ва судларни таъминлаш учун ажратиладиган маблағлар 56.837 минг сўм миқдорида белгилансин.

6-м о д д а. Ўзбекистон ССРнинг 1978 йилги республика бюджети, маҳаллий бюджетларга бериладиган 1.613.115 минг сўм миқдоридаги маблағларни ҳам ҳисобга олган ҳолда, даромадлар ва харажатлар бўйича 4.451.573 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

7-м о д д а. Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикасининг 1978 йилги Давлат бюджети ҳамда областлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетлари даромадлар ва харажатлар бўйича 1.900.984 минг сўм миқдорида белгилансин, шу жумладан:

(минг сўм ҳисобида)

Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси	169582
Андижон области	137324
Бухоро области	166778
Жиззах области	61571
Қашқадарё области	114859
Наманган области	115606
Самарқанд области	181776
Сурхондарё области	102655
Сирдарё области	60074
Тошкент области	201806
Фарғона области	183743
Хоразм области	84129
Тошкент шаҳри	321081

8-м о д д а. 1978 йилда умумиттифоқ давлат солиқлари ва даромадларидан Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикасининг Давлат бюджетига, областлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетларига ажратмалар қуйидаги миқдорларда тасдиқлансин:

а) оборот солиғи тушумларидан: Қорақалпоғистон АССРга—100 процент; Андижон областига—77,1процент; Бухоро областига—72,9 процент; Жиззах областига—100 процент; Қашқадарё областига—75,1 процент; Наманган областига—77,8 процент; Самарқанд областига—29,3 процент; Сурхондарё областига—94,1 процент; Сирдарё областига—67,1 процент; Тошкент областига—64,1 процент; Фарғона областига—60,2 процент; Хоразм областига—70,8 процент; Тошкент шаҳрига—24,4 процент;

б) колхозлардан олинадиган даромад солиғидан, қишлоқ хўжалиги солиғидан, СССРнинг бўйдоқ, ёлғиз ва кам оилали гражданларидан олинадиган солиқдан, ўрмонлардан келадиган даромадлардан ва пул буюм-лотереялари тушумларидан—100 процент;

в) аҳолидан олинадиган даромад солиғидан: Қорақалпоғистон АССРга, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё ва Тошкент областларига—100 процентдан; Андижон, Бухоро, Наманган, Самарқанд ва Хоразм областларига—80 процентдан; Фарғона областига—60 процент; Тошкент шаҳрига—10 процент;

г) «Узсельхозтехника» бирлашмаси ва Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигига қарашли корхоналар ва ташкилотларнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари ва нормалаштириладиган оборот маблағлари учун фойдалардан бюджетга тўланадиган ҳақдан—Қорақалпоғистон АССР, барча областлар ва Тошкент шаҳрига—50 процент.

1978 йилда республика бюджетидан Ўзбекистон ССР иқтисодий ва социал тараққиётининг 1978 йилги Давлат планида кўзда тутилган тадбирларни маблағ билан таъминлаш учун Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикасининг Давлат бюджетига 29.502 минг сўм ва Жиззах области бюджетига 1.556 минг сўм миқдорида пул ажратилсин.

9-м о д д а. 1978 йилда Ўзбекистон ССР республика бюджети бўйича касса оборотидаги нақд пул 34.300 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

10-м о д д а. 1978 йилда Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикасининг Давлат бюджети ҳамда областлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетлари бўйича касса оборотидаги нақд пул 62.700 минг сўм миқдорида белгилансин, шу жумладан:

(минг сўм ҳисобида)

Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси	5200
Андижон области	5100
Бухоро области	4700
Жиззах области	2200
Қашқадарё области	4200
Наманган области	4000
Самарқанд области	6400
Сурхондарё области	3900
Сирдарё области	2100
Тошкент области	7200
Фарғона области	5900
Хоразм области	3000
Тошкент шаҳри	8800

11-м о д д а. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига Ўзбекистон ССРнинг 1978 йилги Давлат бюджети юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг План-бюджет ва бошқа доимий комиссиялари хулосасида баён қилинган таклифлар ва мулоҳазаларни, шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлисларида депутатлар томонидан киритилган таклифлар ва мулоҳазаларни кўриб чиқиш ҳамда улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПЎЛАТОВА.

1977 йил 20 декабрь.
Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг қарори
РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СОВЕТЛАРИНИНГ СССР КОНСТИТУЦИЯСИДАН ВА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ РАИСИ ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ЕТТИНЧИ СЕССИЯСИДАГИ ДОКЛАДИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Н. М. Матчоновнинг республика халқ депутатлари Советларининг СССР Конституциясидан ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССР Олий Советининг навбатдан ташқари еттинчи сессиясидаги докладидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисидаги докладини эшитиб ва муҳокама қилиб, Ўзбекистон ССР Олий Совети шу нарсани зўр мамнуният билан қайд этадики, Ўзбекистон меҳнаткашлари барча совет кишилари қатори СССРнинг янги Конституциясини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев СССР Олий Советининг навбатдан ташқари еттинчи сессиясида ҳамда Кремлдаги тантанали юбилей мажлисида ва КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумида қилган докладларида ва сўзлаган нутқларида баён этилган қоида ва хулосаларни зўр ғайрат ва шижоат кўрсатиб, якдиллик билан маъқуллаб кутиб олдилар.

СССР Олий Совети сессияси, тантанали мажлис ҳужжатларида, ўртоқ Л. И. Брежнев докладларида совет халқининг Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин босиб ўтган қаҳрамонона йўли, Советлар мамлакатининг улуғвор ютуқ ва истиқболлари ҳар томонлама чуқур, ёрқин ва ишонарли қилиб яққол кўрсатиб берилди, халқаро вазият илмий асосда таҳлил қилинди.

СССР Конституцияси — жаҳонда биринчи умумхалқ социалистик давлати бутун 60 йиллик тараққиётининг мужассам якунидир. Бу Конституцияда совет ижтимоий тузумимизнинг мустаҳкам негизлари, СССР сиёсий ва иқтисодий системалари ривожининг бош йўналишлари, давлатимизнинг социал сиёсат соҳасидаги программавий вазифалари белгиланган бўлиб, унда совет халқининг синалган авангарди — Коммунистик партиянинг раҳбарлик ва етакчилик роли қонуний равишда ўз ифодасини топган.

СССР янги Конституциясининг социал-сиёсий моҳияти социалистик демократияни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга қаратилган. Конституцияда халқ депутатлари Советларининг тузилиш ва фаолият принциплари, Советлар ва депутатларнинг омма билан алоқасини мустаҳкамлаш йўллари давлат ва жамоат ишларини бошқаришда, хўжалик, иқтисодий, социал ва маданий қурилиш вазифаларини ҳал этишда касаба союз, комсомол, кооператив ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотларининг роли белгиланган.

Давлатимизнинг Асосий Қонуни ижтимоий ҳаётнинг ҳамма томонлари юксак динамизм асосида ривожланиб боришини, улар бир-бирига мувофиқ тарзда ривож топишини таъминлайди ва бу билан меҳнат аҳлини улуғлайди. Гражданлар тенг ҳуқуқлилиги, уларнинг кенг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳақида Конституцияда баён қилинган принциплар шунчаки эълон қилинибгина қолмай, айни вақтда бутун сиёсий, иқтисодий ва юридик тадбирлар системаси билан таъминлаб қўйилган.

СССР Конституциясида Совет давлатининг тинчликсевар ташқи сиёсати ўз аксини топган, давлатларнинг тинчтотув яшаш ва ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилиш принциплари қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган.

Республикада СССР Конституцияси лойиҳасининг бутун Ўзбекистон бўйича 10 миллионга яқин киши қатнашган муҳокамаси социалистик демократиянинг, ишчилар, колхозчилар ва зиёлилар бирлигининг ёрқин тантанасига айланиб, Коммунистик партия билан Совет давлати ички ва ташқи сиёсати қизғин маъқулланаётганлигини намойиш қилди, бутун давлат ва ижтимоий ҳаётни янада активлаштиришга, юбилей йили мажбуриятларини бажариш учун, КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб юборишга ёрдам берди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари СССРнинг янги Конституциясини ишлаб чиқишда катта ижодий меҳнат қилганликлари, партиянинг мамлакат ижтимоий бойликларини оғишмай кўпайтириб боришга, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини юксалтиришга, дунёда тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган йўлини изчиллик билан амалга ошириб бораётганликлари учун КПСС Марказий Комитетига, унинг Сиёсий бюросига ва шахсан Ўртоқ Л. И. Брежневга чуқур миннатдорчилик ва самимий ташаккур изҳор қиладилар.

СССР Конституциясининг муҳокамаси ва қабул қилиниши ҳамма ерда омманинг зўр меҳнат активлигини авж олдириб юборди, КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун қатъий бел боғланганлигини намойиш қилди. Республика саноати ходимлари маҳсулот реализация қилиш ўн бир ойлик планини муддатидан илгари бажардилар. Пландан ташқари 342 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилинди. Айни вақтда бир қанча йирик ишлаб чиқариш ва маданий-маиший хизмат объектлари ишга туширилди. Республика пахтачилиги тарихида биринчи марта 5 миллион 680 минг тонна ёки пландагидан 1 миллион 30 минг тонна кўп «оқ олтин» тайёрланди. Давлатга дон, каноп, сабзавот, картошка, мева, узум, полиз маҳсулотлари, пилла сотиш мажбуриятлари ортиғи билан бажарилди. Чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш топшириғи ошириб бажарилмоқда.

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ VIII ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ
КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА РЕСПУБЛИКАДА ЧОРВАЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари ўртоқ И. Р. Қурбоновнинг «КПСС XXV съезди қарорлари асосида республикада чорвачиликни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, шуни таъкидладики, республика қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги пленумлари қишлоқ хўжалиги юзасидан қабул қилган қарорларини ҳамда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини ўз ишлаб чиқариши ҳисобига тўлиқ қондириш ҳақидаги вазифаларини бажара бориб, кейинги йилларда чорвачиликни ривожлантириш соҳасида анча муваффақиятларга эришдилар.

Мамлакат пахтакор республикалари партия-хўжалик активи йиғилиши бўлиб ўтгандан кейинги тўрт йил мобайнида республика колхоз ва совхозларида қорамол ва паррандалар кўпайди, насли яхшиланди, маҳсулдорлиги ошди. Натижада гўшт ва сут етиштириш 1,3 баравар, тухум — 1,5 баравар ошди. Давлатга гўшт, сут, тухум, жун ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари сотиш икки йиллик планлари анча ошириб бажарилди. Чорвачиликни концентрациялаш ва ихтисослаштириш, бу тармоқни саноат негизига кўчириш юзасидан катта иш олиб борилмоқда.

Шу билан бирга пленум таъкидлайдики, чорвачиликни ривожлантиришда эришилган даража ҳали етарли эмас. Кўпгина хўжаликларда ва районларда маҳсулот етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтиришнинг мавжуд резервларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти, гўшт, сут, тухум етиштириш даражаси аҳолининг шу маҳсулотларга бўлган ўсиб бораётган талабларига жавоб бермайди.

Кўпгина хўжаликларда қорамолларни урчитиб кўпайтиришда катта камчиликлар бор, сигирларнинг кўплаб қисир қолишига йўл қўйилмоқда, бузоқларни боқишда нуқсонлар кўп. Ғуражинларни етиштиришни ташкил қилишда, чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлашда катта камчиликлар бор.

Кўпгина хўжаликларда алмашлаб экиш сусткашлик билан ўзлаштирилмоқда. Озуқабоп экинларнинг ҳосилдорлиги паст. Фермаларда, шунингдек ем-хашак тайёрлаш ва ундан фойдаланишда илғор технологияни жорий этишга етарли эътибор берилмаётир. Ғалла ва омухта ем етиштиришни ва унинг сифатини яхшилашни ташкил этишда жиддий камчиликлар бор.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, республика «Узплодоовощвинпром», «Узсельхозтехника» бирлашмалари ва уларнинг жойлардаги органлари, кўпгина хўжаликларнинг раҳбарлари мавжуд чорвачилик биноларини қайта қуриш ва кенгайтиришга, фермаларда сермеҳнат жараёнлари комплекс механизациялашга тегишли даражада эътибор бермаётирлар, етиштирилаётган маҳсулот бирлигига меҳнат, маблағ ва озуқа сарфлаш сусткашлик билан камайтирилмоқда, маҳсулот таннархи юқори.

Ихтисослаштиришнинг афзалликларидан кўнгилдагидек фойдаланилмаётир. Кўпгина хўжаликлар хўжаликлараро корхоналар ва комплексларга ёш молларни боқиб ўстириш ва бўрдоқи қилиш учун топширар эканлар, сигирларни ва сут етиштиришни кўпайтирмаётирлар. Анчагина районларда чорвачиликда хўжаликлараро кооперацияни янада ривожлантиришга етарли эътибор берилмаётир.

Ихтисослаштирилган чорвачилик корхоналарида ишлаш учун мутахассис технологлар ва малакали ишчи кадрлар тайёрлашни яхшилаш соҳасидаги тадбирлар тўла амалга оширилаётгани йўқ. В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги Фанлари академиясининг Ўрта Осиё бўлими ва унинг илмий муассасалари чорвачиликни, ем-хашак етиштиришни, ветеринарияни ривожлантиришда ва чорвачиликнинг самарадорлигини оширишда хўжаликларга етарли даражада амалий ёрдам бермаётир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми чорвачиликни ривожлантиришдаги бу камчиликлар, кўпгина партия комитетлари чорвачиликка раҳбарлик қилиш соҳасида ўз ишларини партия XXV съезди ҳамда КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги пленумлари талабларига биноан, тегишли хулосалар чиқариб олмаганликларининг ва бу соҳадаги ишни сусткашлик билан қайта қураётганликларининг, чорвачиликни ривожлантириш юзасидан ўнинчи беш йилликка мўлжалланган тадбирларни амалга ошириш устидан етарли контроллик қилмаётганликлари оқибати деб ҳисоблайди, улар чорвадорлар орасида қишлоқ хўжалигининг бу муҳим тармоғини юксалтиришда кескин бурилиш ясашга қаратилган ташкилий ва оммавий-сиёсий ишларнинг даражасини юксалтириш соҳасидаги тадбирларни етарли амалга оширмаётирлар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми **қарор қилади:**

1. КПСС XXV съезднинг чорвачилик соҳасидаги қарорларини амалга ошириш ҳамда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш негизида чорванинг барча турлари туёғини, паррандаларнинг барча турларини ва уларнинг маҳсулдорлигини тўхтовсиз ўстиришни таъминлаш, гўшт, сут, тухум етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш, етиштирилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш, унинг таннархини камайтириш, чорвачилик барча тармоқларининг рентабеллигини ошириш партия, совет, касаба союз, комсомол ва қишлоқ хўжалиги органларининг, колхозлар ва совхозлар, хўжаликлараро корхоналар, илмий-тадқиқот муассасалари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳамда муассасаларининг асосий вазифаларидан бири деб ҳисоблансин.

(Давоми иккинчи бетда).

РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

21 декабрь куни Москвада Катта Кремль саройида тўққизинчи чақириқ РСФСР Олий Советининг олтинчи сессияси очилди.

Сессия: Россия Федерацияси халқ депутатлари Советларининг СССР Конституциясидан, КПСС Марказий Комитети 1977 йил октябрь Пленуми қарорларидан, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССР Олий Совети навбатдан ташқари еттинчи сессиясида қилган докладидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисидаги; 1978 йилда РСФСРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани ҳақидаги; РСФСРнинг 1978 йилги Давлат бюджети ҳақида ва РСФСРнинг 1976 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги; РСФСР Олий судини сайлаш ҳақидаги, РСФСР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилади.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1978 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ҲАҚИДА ВА ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1976 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР молия министри депутат В. МУРОДХЎЖАЕВ доклади

Депутат ўртоқлар! Совет халқи, барча тараққийпарвар кишилар инсоният тарихида янги давр очган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини ғоят баланд руҳ билан нишонлади. Бу юбилей СССРнинг янги Конституцияси қабул қилинган бир вақтга тўғри келди. Янги Конституция мамлакатимиз ҳаётида рўй берган жуда катта ўзгаришларни акс эттирди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, 1977 йилда республика экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг доимий ғамхўрлиги туфайли Ўзбекистон саноати маҳсулотни реализация қилиш планини муваффақиятли бажарди, халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш кўпайди, уларнинг сифати ва хиллари яхшиланди. Йил бошидан буён ўн бир ой ичида қўшимча равишда 341 миллион сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинди. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари катта муваффақиятларга эришдилар. Улар социалистик мажбуриятларни шараф билан бажариб, тайёрлов пунктларига 5 миллион 680 минг тоннадан кўпроқ пахта топширдилар.

Ўтган давр ичида Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантириш планининг муваффақиятли бажарилганлиги республика Давлат бюджетининг даромадларини кўпайтириш ва уни стабиллаштиришга ёрдам берди.

Ўзбекистон ССР халқ хўжалик плани бажарилишининг натижаларини эътиборга олганда республиканинг 1977 йилги Давлат бюджети даромадлар бўйича 50 32,6 миллион сўм, ёки Ўзбекистон ССР Олий Совети тасдиқлаган планга нисбатан 111,3 процент ва харажатлар бўйича 5017,9 миллион сўм ёки планга нисбатан 111,2 процент миқдорида бажарилади. Қорақалпоғистон АССР, ҳамма областлар ва Тошкент шаҳрининг барча асосий манбалари бўйича бюджет даромадлари плани бажарилмоқда.

Молия ва план органлари бюджет даромадининг қўшимча резервларини қидириб топиш учун корхоналар ва ташкилотлар билан биргаликда 1977 йилда 74,4 миллион сўмлик халқ истеъмол қиладиган яхши сифатли қўшимча моллар ишлаб чиқариш ҳақида таклиф киритдилар.

Республика Молия министрлиги ва маҳаллий молия органлари министрликлар, идоралар, бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларнинг 1977 йилдаги молия-хўжалик фаолиятини иқтисодий анализ қилиш натижасида даромадларни кўпайтириш ва ҳаражатларни қисқартириш резервларини қидириб топишди.

Бу тадбирлар ва бошқа тадбирларнинг амалга оширилиши бюджетнинг қўшимча ресурсларини вужудга келтириш имконини берди. Бу ресурслардан хўжаликларнинг зарур эҳтиёжларини пул билан таъминлаш, шу жумладан, министрликлар ва идораларнинг оборот маблағларидаги камоднинг ўрнини қоплаш, маориф, маданият, соғлиқни сақлаш муассасаларини ривожлантириш, шаҳар ва район марказларини обод қилиш, табиий офат оқибатларини тугатиш ва бошқа ишлар учун фойдаланилди.

Шу билан бирга республикада Давлат бюджетининг даромадларини кўпайтириш имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаганлигини ҳам айтиб ўтиш керак.

Баъзи бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш планларини бажармадилар, машина-ускуна, хом ашё ва материаллардан етарли даражада самарали фойдаланмадилар, меҳнат унумдорлигини ошириш ва товар маҳсулотининг таннархини камайтириш юзасидан берилган топшириқларни адо этмадилар. Ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги бундай нуқсонлар уларнинг молиявий фаолияти натижаларига ва бюджетга маблағ тўплашига салбий таъсир қилди.

Шу боисдан 9 министрлик ва идора фойда олиш ўн бир ойлик планини бажармади. Бу ҳол фойдадан бюджетнинг даромад қисмига пул тушиб туришига бирмунча ҳалақит берди. Шу давр ичида фойдадан жами 29 миллион сўм, шу жумладан Пахта тозалаш саноати министрлиги бўйича 18,2 миллион сўм, Енгил саноат министрлиги бўйича 4,4 миллион сўм, Маиший хизмат министрлиги бўйича 2,2 миллион сўм, Алоқа министрлиги бўйича 1,5 миллион сўм ва Қишлоқ қурилиши министрлиги бўйича 1 миллион сўм олинмай қолди.

Бир қанча саноат корхоналари — Тошкент тўқимачилик комбинати, Бухоро ип газлама комбинати, Қибрай пиво—спиртсиз ичимликлар комбинати, Тошкент ва Самарқанд чинни заводлари, Самарқанддаги рўзғор холодильниклари заводи ва бошқа корхоналар 1977 йилда халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш планлари ва топшириқларини мунтазам бажармай келмоқдалар. Бу корхоналар ва ташкилотлар кўп миқдорда ип газлама, чинни идишлар, холодильник ва бошқа маҳсулотларни кам тайёрлаб бермоқда. Бунинг натижасида бюджет ўн ой ичида оборот солиғидан 25 миллион сўм ололмай қолди.

Республикадаги савдо ташкилотлари асосий чакана товар оборот планини бажарган бўлса ҳам товар оборот юзасидан берилган қўшимча топшириқни бажармадилар.

Республикадаги колхоз ва совхозлар КПСС XXV съездининг ва Ўзбекистон Компартияси XIX съездининг қарорларига амал қилиб, бу йил давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш плани ва социалистик мажбуриятларни бажаришда анча қатта муваффақиятларга эришдилар.

Республика ҳукумати колхоз ва совхозларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида 1977 йилда уларга пул билан анча катта ёрдам берди.

Совхозларнинг оборот маблағларидаги камоматни қоплаш учун республика бюджетидан Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ихтиёридаги совхозларга 14 миллион сўм ажратиб берилди, давлат банкидан олинган қарзни тўлаш муҳлатлари уч йилгача узайтирилди ва ҳоказо. Ўзбекистон ССРдаги Давлат страхованиеси органлари табиий офатлардан зарар кўрган колхозларга 1977 йил 1 ноябрга қадар 16,6 миллион сўм тўладилар.

Шу билан бирга текшириш материаллари колхоз ва совхозларнинг молия-хўжалик фаолиятида жиддий камчилик ва нуқсонлар ҳам борлигини кўрсатди. Қишлоқ хўжалик министрлигининг совхозлари 1977 йилнинг ўтган ойларида талайгина миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бермади, уй-жой-коммунал хўжаликлардан фойдаланишда ва молларни нобуд бўлиши натижасида планда белгиланганидан ошиқча зарар кўрилди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг план-бюджет комиссияси ва тармоқ комиссияларининг 1977 йилда республика халқ хўжалигини ривожлантириш давлат плани ва 1977 йилги давлат бюджети ҳамда Ўзбекистон ССР 1975 йилги давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги хулосаларида баён этилган таклиф ва мулоҳазалар давлат бюджетини бажаришга, контроль-иқтисодий ишларни яхшилашга, хўжаликларда қўшимча резервларни қидириб топиш ва бюджет даромадларини кўпайтиришга катта ёрдам берди. Ўзбекистон ССР Молия министрлиги ва жойлардаги молия органлари ана шу таклиф ва мулоҳазаларни эътиборга олиб, барча министрликлар, идоралар, корхоналар ва хўжалик ташкилотларининг 1976 йилдаги ва 1977 йилнинг биринчи ярмидаги молия-хўжалик фаолиятини анализ қилдилар. Ана шу анализ якунларига мувофиқ, иқтисодий ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишни кўзда тутган таклифлар Ўзбекистон ССР Министрлар Советига тақдим этилди.

Молия министрлиги бу йил давлат маблағларининг сақланиши, бюджет-молия интизомига риоя қилиниши устидан молиявий назоратни кучайтириш, халқ хўжалигида тежамкорликни мустаҳкамлаш, моддий, молиявий ресурслар ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, аниқланган камчиликларни йўқотиш учун тегишли чораларни кўрди. Министрликнинг контроль-ревизия аппарати 1977 йилда корхоналар, ташкилот ва муассасаларда 1289 ревизия ва текшириш ўтказди. Ревизия ва текшириш материаллари юзасидан хўжасизлик ва суиистеъмол қилишда айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш, давлатга етказилган моддий зарарни ундириб олиш чоралари кўрилди. Молия министрлиги идораларда молиявий контроль ишлари қандай йўлга қўйилганлигини назорат қилиб турибди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1978 йилги — ўнинчи беш йиллик учинчи йили Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқиб, тасдиқлаш учун Олий Советга тақдим этади.

Ўзбекистон ССРнинг 1978 йилги Давлат бюджети лойиҳаси КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми, Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорлари, партия ва ҳукуматнинг шундан кейинги қарорлари асосида ишлаб чиқилган.

Бюджет лойиҳаси республиканинг бутун халқ хўжалигини янада юксалтириш ва халқ фаровонлигини ошириш юзасидан белгиланаётган тадбирларни зарур маблағлар билан таъминлайди.

Республикани иқтисодий ва социал ривожлантириш плани ҳамда Давлат бюджети лойиҳаларининг кўрсаткичлари халқ хўжалигининг барча тармоқларида ишлаб чиқаришни ўстириш ва самарадорлигини кўпайтириш топшириқларини оширишни кўзда тутади. Меҳнат унумдорлигини ўстириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш суръатларини кучайтириш мўлжалланмоқда, моддий ресурсларни ва пул

БЮДЖЕТНИНГ ДАРОМАДЛАРИ

Оборот солиғидан келадиган тушумлар ва давлат корхоналари ҳамда ташкилотларининг фойдасидан олинадиган маблағлар даромадларнинг асосий манбаидир.

Бюджетнинг даромад қисмида социалистик корхоналардан олинадиган маблағлар 4097 миллион сўмни, ёки бюджет даромадлари умумий суммасининг 86,5 процентини ташкил этади.

Республиканинг иқтисодий ва социал ривожланиш план лойиҳасида кўзда тутилган товар фондларининг ҳажмига мувофиқ, 1978 йилда оборот солиғидан тушимлар 2223 миллион сўмдан иборат бўлади.

Халқ истеъмол қиладиган молларни қўшимча ишлаб чиқариш имкониятларини қидириб топиш, маҳсулотнинг хилларини янгилаш ва сифатини яхшилашга ҳамда шу асосда оборот солиғидан олинадиган тушумларни кўпайтиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш — республика министрликлари ва идораларининг, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг, халқ депутатлари область Советлари ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетларининг асосий вазифаларидан биридир.

1978 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш, юк ташиш, товар обороти, аҳолига хизмат кўрсатиш юзасидан мўлжалланган кўрсаткичларга мувофиқ, корхоналар ва хўжалик ташкилотларининг оладиган фойдаси республика халқ хўжалигининг барча тармоқларида 2050 миллион сўм миқдорида белгиланди, ёки шу йил бажарилиши кутилганидан 7,9 процент ортади. Фойдадан бюджетга тўловлар 1977 йилдаги 1244 миллион сўм ўрнига 1355,4 миллион сўм бўлади. Бу эса тўловларни 111,4 миллион сўм миқдорида кўпайтиришни таъминлайди.

Ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи ошганлиги муносабати билан аҳолидан олинадиган давлат солиқлари 617,9 миллион сўм миқдорида белгиланади, ёки 2,4 процент кўпаяди.

Аҳоли ўртасида давлат страхованиесини, хусусан страхованиенинг ихтиёрий турларини янада ривожлантириш кўзда тутилади.

1978 йил бюджет даромадларини кўпайтириш барча корхона ва ташкилотларнинг зиммасига бюджет олдидаги мажбуриятларини ўз ҳисобларига қилинадиган ҳаражатлар 56,8 миллион сўм, ёки бюджетдан қилинадиган чиқимларнинг 1,2 процентини миқдорида белгиланади.

КПСС XXV съездининг қарорларига мувофиқ, 1978 йилда халқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш, бошқарув звеноларининг структурасини яхшилаш ва маблағларини тежаш тадбирлари кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг республика экономикаси ва маданиятини янада ривожлантириш ҳақидаги қарорлари бюджет лойиҳасида ўз ифодасини топди.

Шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида планларнинг бажарилиш якунлари, 1977 йил плани ва бюджетининг кутилаётган ижроси бюджет лойиҳасини тузиш учун асос қилиб олинди.

Шунга мувофиқ, республиканинг 1978 йилги давлат бюджети ҳажми даромад ва харажатлар бўйича 4739,4 миллион сўмни ташкил этади ёки 1977 йил планига нисбатан 4,9 процент ортади.

СОЦИАЛ-МАДАНИЙ ТАДБИРЛАРНИ ПУЛ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

Совет халқи турмушининг моддий ва маданий даражаси муттасил юксалиб бораётганлиги иқтисодий истеъмол фондларидан бериладиган енгилликлар ва тўловларнинг доимо ортиб бораётганлигида ўз ифодасини топади.

Халқ хўжалигининг ноишлаб чиқариш соҳаларидаги ходимларнинг ўртача иш ҳақи олаётган категорияларига бериладиган маош окладлари ва ставкалари 1977 йил декабридан бошлаб оширилади.

Бизнинг республикамизда маориф, соғлиқни сақлаш, фан, маданият, савдо-сотиқ, социал таъминот, физкультура ва спорт, уй-жой-коммунал хўжалиги, маиший хизмат ходимлари ва халқ хўжалигининг ноишлаб чиқариш тармоқларидаги бошқа ташкилотлар ҳамда корхоналар ходимларидан 1,2 миллиондан зиёд кишининг иш ҳақи оширилади. Бу тадбирларни амалга ошириш учун бир йил ичида қўшимча равишда тахминан 176 миллион сўм миқдорида ажратиб берилади.

Ўзбекистон ССРнинг Давлат бюджетида 1978 йилдаги социал-маданий тадбирларга 2544 миллион сўм сарфлаш кўзда тутилади. Бу маблағ шу йилнинг тасдиқланган планида белгиланганига нисбатан 6,7 процент ортиқдир.

Бюджет лойиҳасида халқ маорифи, фан ва маданиятни ривожлантириш учун 1413,1 миллион сўм сарфлаш кўзда тутилади. Бу маблағ шу йилдагидан 75,1 миллион сўм ёки 5,7 процент кўп.

Соғлиқни сақлаш ва физкультура ишларига қилинадиган харажатлар 561,8 миллион сўм миқдорида белгиланди, ёки бу маблағларнинг суммаси 7,1 процент ортади.

Мактабгача тарбия муассасалари, мактабларнинг шохобчаларини кенгайтириш ва тарбияланувчилар сонини ошириш, маданий-оқартув муассасалари, ҳунар-техника билим юртларини кўпайтириш, олий ўқув юртларидаги студентлар ва техникумлардаги ўқувчилар миқдорини ошириш, касалхона шохобчаларини кўпайтириш ва бошқа тадбирлар маориф ҳамда соғлиқни сақлаш, шунингдек социал таъминот харажатларини ошира боришни тақозо этади.

Маориф ва соғлиқни сақлаш муассасаларини капитал ремонт қилиш ҳамда жиҳозлар сотиб олиш учун ажратиб бериладиган маблағлар 1977 йилнинг тасдиқланган планидагига нисбатан оширилади.

Аҳолига медицина хизматини яхшилаш мақсадида медицина муассасаларидаги ўринлар сони 8,7 мингга кўпайтирилади. Социал таъминот учун бюджетдан 570 минг сўм ажратиб берилади, ёки бундай харажатлар 2,8 процент ортади.

Пенсионерлар ва пенсиялорнинг ўртача миқдори кўпайтирилади. Кам таъминланган оилаларинг болаларига нафақалар тўлаш учун катта маблағлар ажратиш кўзда тутилган.

БОШҚАРУВ ИШЛАРИГА ҚИЛИНАДИГАН ХАРАЖАТЛАР

Ўзбекистон ССРнинг 1978 йилги давлат бюджети лойиҳасида давлат ҳокимияти, давлат бошқарув органлари, суд органларининг эҳтиёжларига қилинадиган харажатлар 56,8 миллион сўм, ёки бюджетдан қилинадиган чиқимларнинг 1,2 процентининг миқдорида белгиланади.

КПСС XXV съездининг қарорларига мувофиқ, 1978 йилда халқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш, бошқарув звеноларининг структурасини яхшилаш ва сонини қисқартириш, бошқарув харажатларининг қатъий тежалишини таъминлаш ишлари давом эттирилади.

Шу муносабат билан лойиҳада бошқарув харажатларини ўрта ҳисобда 3,9 процент, командировкаларнинг ҳамма турларига тўланадиган маблағни 15 процент, идоралардаги ва маҳсус енгил автомобиллардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган чиқимларни 20 процент қисқартириш кўзда тутилди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССРНИНГ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР

Ўзбекистон ССРнинг 1978 йилги давлат бюджети лойиҳасида Қорақалпоғистон АССР, областлар ва Тошкент шаҳрини социал-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш кўзда тутилади.

Қорақалпоғистон АССРнинг давлат бюджети, областларнинг ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетлари Ўзбекистон ССРнинг 1978 йилги давлат бюджети лойиҳасига харажатлар ва даромадлар бўйича жами 1901 миллион сўм миқдорида киритилди. Бу даромад ва ҳаражатлар 1977 йилдагига нисбатан 7,4 процент ортади. Ана шу даромад ва ҳаражатлар областлар бўйича қуйидаги миқдорни ташкил этади:

(миллион сўм ҳисобида)

	1978 йил	Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1977 йилги белгиланган планига нисбатан процент ҳисобида
Қорақалпоғистон АССР	169,6	102,4
Андижон области	137,3	105,0
Бухоро области	166,8	128,9
Жиззах области	61,6	105,8
Қашқадарё области	114,8	106,6
Наманган область	115,6	105,9
Самарқанд области	181,8	114,6
Сурхондарё области	102,6	105,0
Сирдарё области	60,1	108,4
Тошкент области	201,8	104,3
Фарғона области	183,7	108,4
Хоразм области	84,1	105,0
Тошкент шаҳри	321,1	110,6

1978 йилда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш планида кўзда тутилган тадбирларни пул билан таъминлаш учун республика бюджетидан Қорақалпоғистон АССР давлат бюджетига 29,5 миллион сўм ва Жиззах областининг бюджетига 1,5 миллион сўм ажратиб берилади.

Ўзбекистон ССР Молия министрлиги республиканинг 1978 йилги давлат бюджети лойиҳаси юзасидан барча министрликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети баён қилган мулоҳазалар ва илтимосларини қараб чиқди. Илтимосларнинг кўпчилиги қондирилди, ҳал этилмаган айрим масалалар эса 1978 йил бюджетини бажариш жараёнида кўриб чиқилади.

1978 йилдаги вазифалар республика министрликлари ва идоралари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, халқ депутатлари область советлари ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети зиммасига хўжалик қурилиши ва социал-маданий қурилишга раҳбарликни юксак даражага кўтариш, хўжаликларнинг экономикаси ва молия ишларига катта эътибор бериш ва шу асосда 1978 йилги бюджетнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш мажбуриятини юклайди.

КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини, шунингдек партия ва ҳукуматнинг шундан кейинги қарорларини бажаришни таъминлаш тадбирлари планига мувофиқ, республика Молия министрлиги ва молия органлари контроль-иқтисодий ишлар сифатини яхшилаш, давлат маблағларидан самаралироқ фойдаланиш учун қўшимча тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Республиканинг 1976 йилги бюджети даромадлар бўйича 4844674 минг сўм, ёки 103,1 процент, ҳаражатлар бўйича 4724959 минг сўм ёки 100,5 процент бажарилди, даромаллар ҳаражатларга нисбатан 119715 минг сўм ортди.

Иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани ҳамда СССРнинг 1978 йилги бюджети лойиҳаларини асосан маъқуллаган КПСС Марказий Комитети 1977 йил декабрь Пленуми бу ишда жуда катта сафарбар қилувчи роль ўйнайди. (Қарасаклар).

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШНИ МАБЛАҒ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

Капитал қурилишга марказлаштирилган тартибда ажратиб бериладиган ва иқтисодий ҳамда социал ривожланиш планида кўзда тутилган маблағлар ҳажмига мувофиқ, 1978 йилда капитал қурилишни пул билан таъминлаш плани 2289 миллион сўм миқдорида белгиланди.

Капитал қурилишни пул билан таъминлаш учун бюджетдан 1324 миллион сўм ажратиб берилади. Хўжаликларнинг ўз ресурслари (фойда, амортизация ва ҳоказо) ҳамда банк кредитлари 965 миллион сўмлик қилиб белгиланди.

1978 йил бюджети лойиҳаси қурилишда 67 миллион сўмлик ички ресурсларни сафарбар қилишни кўзда тутади. Бунга асосан ўрнатилмаган машина-ускуналар запасларини қисқартириш йўли билан эришилади.

КПСС Марказий Комитетининг 1976 йил октябрь Пленуми капитал қурилиш ходимлари олдига қурилиш саноатининг самарадорлигини ошириш, битказилмаган қурилиш ҳажмларини ва қурилиш-монтаж ишлари муддатларини қисқартириш ҳамда таннархини камайтириш, ишлаб турган қувватларни тезроқ реконструкция қилиш соҳасида катта ва масъулиятли вазифаларни қўйди.

Бу йил капитал қурилишга ажратиб берилган маблағларни ўзлаштириш 1976 йилдагига нисбатан анча яхши йўлга қўйилди, бу маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги ошди. Шу билан бирга қурилиш ишларида нуқсонлар ҳам бор. Маблағлар кўп объектларга ҳали ҳам сочиб юборилмоқда. Бу эса қувватларни ва асосий фондларни ишга туширишни юзасидан берилган топшириқларнинг бажарилмай қолишига, битказилмаган қурилишларнинг сони ортишига сабаб бўлади. Қурилишда ҳисоб-китоб ишлари тартибга солинган эмас. Қурилиш ташкилотлари капитал қурилиш учун ўз маблағларини етарли миқдорда ажратиб бермаяпти. Бир қанча қурилиш ташкилотларида хўжасизликка ва бажарилган ишлар ҳажмини ошириб ёзишга йўл қўйилмоқда.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ПУЛ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

Коммунистик партия қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга жуда катта аҳамият бермоқда ва қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришни муҳим умумдавлат, умумхалқ вазифаси деб ҳисобламоқда.

1978 йилда республика қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалигини ривожлантириш учун бюджетдан 898 миллион сўм, шу жумладан колхоз ва совхозларда ерларни мелиорациялаш ҳамда тўдаи яхшилаш учун 600 миллион сўмдан кўп маблағ ажратиб берилади.

1978 йилда Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ихтиёридаги совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг оладиган фойдаси 153 миллион сўм миқдорида белгиланди. Бу маблағ асосан иқтисодий рағбатлантириш фондларини вужудга келтириш ва хўжаликларнинг планда кўрсатилган ҳаражатларини пул билан таъминлаш учун сарф қилинади.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун ажратиб берилган молиявий ресурслар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ўстириш учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтиради.

БЮДЖЕТНИНГ ХАРАЖАТЛАРИ

Ўзбекистон ССРнинг 1978 йилги давлат бюджетида белгиланган харажатларнинг умумий суммасидан 4596,1 миллион сўм, ёки бюджет жами харажатларининг 97 проценти халқ хўжалигини ва социал-маданий тадбирларни пул билан таъминлашга сарф қилинади.

Халқ хўжалигини пул билан таъминлаш учун бюджетдан қилинадиган харажатлар 2051,6 миллион сўм миқдорида белгиланади. Саноат ва қурилишга 392,9 миллион сўм, қишлоқ хўжалигига 898 миллион сўм сарфланади.

Бундан ташқари, корхона ва ташкилотларнинг ўз ресурслари (фойда, амортизация ва банклардан олинадиган 2016 миллион сўмлик кредит) халқ хўжалигини пул билан таъминлаш учун ажратиб берилади.

Халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш учун жами 4 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарф қилинади.

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА РЕСПУБЛИКАДА ЧОРВАЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Бошқа биринчи бетда).

2. 1978 йилда гўшт етиштиришни 267 минг тоннага қадар, сут етиштиришни 810 минг тонна, тухум етиштиришни 893 миллион дона, жун етиштиришни 16,2 минг тонна ва балиқ тутишни 201,4 минг центнерга қадар кўпайтириш ва 1980 йилда гўшт етиштиришни (тирик вазнда) 332 минг тоннага қадар, сут етиштиришни 1010 минг тонна, тухум етиштиришни 1135 миллион дона, жун етиштиришни 17,8 минг тонна, товар балиқ овлашни 397,2 минг центнерга етказиш юзасидан колхозлар ва давлат хўжаликларининг тадбирлари маъқуллансин.

Область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги, Тайёрлов министрликлари, республика «Узплодоовошчвинпром» ва «Узсельхозтехника» бирлашмалари, «Главсредазирсовхозстрой», «Ўзбекбирлашув »зиммасига КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитети 1977 йил декабрь Пленуми талабларига биноан, қишлоқда ташкилий ва оммавий-сиёсий ишни кучайтириш ҳамда республиканинг колхозларида давлат ва кооператив хўжаликларида чорвачиликни янада ривожлантириш юзасидан 1978 — 1980 йилларга мўлжалланган тадбирларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш вазифаси юклансин.

3. Область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область, шаҳар ва район ижроия комитетлари Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, республика «Узплодоовошчвинпром» ва «Узсельхозтехника» бирлашмалари, «Главсредазирсовхозстрой», колхозлар, совхозлар ва хўжаликлараро корхоналарнинг раҳбарлари чорвачиликни ривожлантиришда тўдан бурилиш ясалишига эришсинлар, бутун куч-қувватларини галла, ем-хашак, ферма маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун мавжуд резервлар ҳамда имкониятлардан фойдаланишга қаратсинлар.

Ана шу мақсадларда сут чорвачилигини янада ривожлантириш таъминлансин, ғунажинларни боқиб катта қилиш ҳисобига сигирларнинг салмоғи 35-40 процентга етказилсин. Наслчилик иши йўлга қўйилсин. Гўшт чорвачилиги ҳар тарафлама ривожлантирилсин, сергўшт зотли моллар туёғи анча кўпайтирилсин. Саноат йўли билан чатиштиришдан кенг фойдаланилсин, молларни жадал семиртириш соҳасидаги иш такомиллаштирилсин, ҳар бир қорамолнинг гўштга топширилдиган вазни 400 — 420 килограммга қадар ортишига эришилсин. Гўшт-жунни кўпроқ олиш мақсадида қўйчилик ривожлантирилсин, жун-тивит берадиган эчкичилик ривожлантирилсин. Қўйчиликни, хусусан қорақўлчиликни ривожлантиришга кўпроқ эътибор берилсин.

Чўчқалар сони тўла-тўкис бўлсин. Барча колхозлар ва совхозларда паррандачилик фермалари ташкил этилсин, саноат негизида чўчқачилик ва паррандачиликнинг янада ривожланиши таъминлансин, ана шу тармоқларнинг самарадорлиги оширилсин, бройлер паррандачилик фабрикаларининг қурилиши ва ишга туширилиши жадаллаштирилсин, барча колхозлар ва давлат хўжаликларида хўжаликнинг ўзида фойдаланиш учун жўжаларни боқиш ташкил этилсин, беш йилликнинг охирига қадар парранда гўшти етиштириш йилига 30 минг тоннага етказилсин ёки икки баравар кўпайтирилсин.

Йилқичилик, туячилик, қуёнчилик, балиқчилик ва асаларичилик бутун чоралар билан ривожлантирилсин, қимиз, асал етиштириш ва балиқ овлаш кўпайтирилсин.

Чорва молларни харид қилиш, бўрдоқи қилиш ва бозорларда гўшт сотиш юзасидан «Ўзбекбирлашув»нинг ижобий ишини таъкидлаб, бу ишни бундан кейин янада ривожлантириш, бўрдоқичилик пунктларини қуришни кучайтириш, аҳолига сотиш ҳамда қишлоқда умумий овқатланишни яхшилаш учун гўштнинг бозорда сотиладиган фондларини анча кўпайтириш мақсадида ҳар бир районда матлубот кооперациясининг бўрдоқичилик хўжаликларини барпо этиш топширилсин.

4. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми чорвачиликнинг ем-хашак базасини янада мустаҳкамлаш, тайёрланаётган ем-хашакнинг сифатини ҳар тарафлама ошириш энг муҳим тадбирлардан бири деб ҳисоблайди.

Областлар ва районларнинг партия ҳамда совет органлари, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, республика «Узплодоовошчвинпром» ва «Узсельхозтехника» бирлашмалари, «Главсредазирсовхозстрой», колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари шу беш йилликнинг охирига қадар, ҳар бир хўжаликда алмашлаб экишни жорий этишни поёнига етказиш учун бу соҳадаги ишни кескин яхшилашлари, галла етиштиришни, хусусан маккажўхори етиштиришни кескин даражада кўпайтиришга эришишлари, ишончли донем запасларини барпо этишлари, суғориладиган ҳар гектар майдондан 50 центнер бошоқли дон, 80 — 100 центнер маккажўхори дони ва 500—600 центнер силос, камида 200 центнер беда пичани олиш учун ем-хашакбоп экинларни парвариш қилиш агротехникасини яхшилашга эришишлари зарур. Аралаштириб экиладиган, такрор экиладиган ва оралатиб экиладиган экин майдонлари кўпайтирилсин, ем-хашак етиштиришга, уни йғиштириб олиш, тайёрлаш ва фойдаланишда комплекс механизация кенг жорий этилсин.

Ўзбекистон ССР Тайёрлов министрлиги белгиланган турда омихта ем етиштириш юзасидан топшириқларнинг бажарилишини таъминласин, уларнинг сифатини ГОСТ талабларига қатъий риоя қилган ҳолда кескин даражада яхшилашни таъминласин.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги, Озиқ-овқат саноати, Гўшт-сут ва Пахта тозалаш саноати, Савдо, Коммунал хўжалик министрликлари, «Ўзбекбирлашув», «Узплодоовошчвинпром» бирлашмаси, халқ депутатлари шаҳар, район ва посёлка Советлари қайта ишлаш саноатидаги чиқиндиларни ва озиқ-овқат чиқиндиларини йиғиш ва ундан мол боқишда фойдаланиш юзасидан берилган топшириқларни бажаришни таъминласинлар, хамиртуруш ва гўшт-суяк уни ишлаб чиқаришни кенгайтириш тадбирларини кўрсинлар.

Чорвачилик фермаларини ва озуқа цехларини комплекс механизациялашни амалга оширишда саноат корхоналарининг колхозлар ва совхозларга оталиқ ёрдами яхшилансин.

5. В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги Фанлари академиясининг Ўрта Осиё бўлими чорвачиликни ривожлантиришнинг муҳим проблемаларини ишлаб чиқишга олимларнинг куч-ғайратларини жалб этсин, чорвачилик ва ем-хашак етиштириш юзасидан илмий-тадқиқот ишларининг даражасини оширсин, институтларнинг фаолиятини фан ва илғор тажриба эришган муваффақиятларни ишлаб чиқаришга жорий этишда колхозларга, совхозларга ва бошқа корхоналарга амалий кўмаклашишга қаратсин.

6. Область ва район партия комитетларига кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишни яхшилашлари, чорвачилик ва ем-хашак етиштириш юзасидан планлар ҳамда олинган социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилиши учун хўжалик раҳбарларининг масъулиятини ошириш топширилсин.

Қишлоқда ташкилотчилик ва сиёсий ишлар кучайтирилсин, хўжаликларнинг бошланғич партия ва комсомол ташкилотларининг роли ҳамда жанговарлиги оширилсин, уларнинг фаолияти ва оммага таъсири активлаштирилсин, чорвачиликни ривожлантиришни жадаллаштириш учун курашга қишлоқ меҳнат аҳли отлантирилсин. Йиллик ва беш йиллик планларни муддатидан илгари бажариш учун, ҳар бир хўжаликда чорвачиликнинг самарадорлиги ва рентабеллигини ошириш учун чорвадорлар ўртасида социалистик мусобақа кенг авж олдирилсин.

7. Ўзбекистон ССР Қурилиш, Қишлоқ қурилиши министрликлари, «Главсредазирсовхозстрой» ва «Ўзколхозстрой» планларнинг бажарилишини ва маблағлар тўла ўзлаштирилишини таъминласинлар, чорвачилик комплекслари, паррандачилик фабрикалари, ана шу иншоотлар ёнидаги уй-жойларнинг ва бошқа объектларнинг ўз вақтида ишга туширилишига эришсинлар, енгил конструкциялардан кенг қўллансинлар.

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, «Ўзглавводстрой» чорвачилик комплекслари, паррандачилик фабрикалари ва бузоқларни сўқимга боқадиган ҳамда ғунажинларни парвариш қиладиган хўжаликлараро корхоналарга қарашли янги ерларни ўзлаштириш ва уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш юзасидан қўшимча тадбирларни кўрсинлар.

* * *

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми қишлоқ хўж

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПЛАН-БЮДЖЕТ КОМИССИЯСИ ВА БОШҚА ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ҚЎШИМЧА ДОКЛАДИ

Докладчи—план-бюджет комиссиясининг раиси депутат Х. УМАРОВ

Депутат ўртоқлар! Биз ҳаммамиз КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорларидан, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқидан, мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1978 йилги Давлат плани ва бюджетини тасдиқлаган СССР Олий Совети VIII сессияси материалларидан чуқур таассурот олдик. Бу ҳужжатлар, яқинда қабул қилинган СССР Конституцияси бутун совет кишилари сингари республикамиз меҳнаткашларини ҳам коммунистик қурилишда янгидан-янги муваффақиятларга эришишга илҳомлантирмоқда. Доимий комиссиялар Ўзбекистон ССР Министрлар Совети тақдим этган республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1978 йилги Давлат планини, республиканинг 1978 йилги Давлат бюджетини, шунингдек 1976 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқдилар.

Комиссиялар 1978 йилги план ва бюджет ССР Иттифоқи Олий Совети Ўзбекистон ССР учун тасдиқлаган кўрсаткичлар асосида ишлаб чиқилганлигини ва у республика экономикаси ҳамда маданиятини янада юксалтиришнинг КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди белгилаб берган вазифаларига мос эканлигини маълум қилишни зарур, деб ҳисоблайди.

Комиссияларнинг фикрича, ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган айрим масалалар хусусида тўхталиб ўтишга рухсат бергайсиз.

Комиссиялар 1978 йилги план ва бюджетни дастлабки тарзда кўриб чиққан вақтда ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг мавжуд катта-катта резервларидан тўлароқ фойдаланилганида қўлга киритилган муваффақиятлар тағин ҳам салмоқлироқ бўлиши мумкинлигини таъкидлаб ўтдилар. Шу муносабат билан 44 корхона ва ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулотни реализация қилиш ўн бир ойлик планини бажара олмади. бу корхона ва ишлаб чиқариш бирлашмалари 41,4 миллион сўмлик саноат маҳсулотини реализация қилмади.

Бинокорлик материаллари саноати министрлиги. Энергетика ва электрлаштириш министрлиги ҳамда бошқа баъзи министрлик ва идоралар раҳбарларининг диққат-эътибори шу министрлик ва идоралар саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва реализация қилишни кўпайтириш суръатлари юзасидан беш йилликнинг икки йили топширғини бажармаганликларига каратилди.

Бир қанча корхоналарда ишлаб чиқариш қувватлари ҳали ҳам суст ўзлаштирилмоқда, улардан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Бу эса маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, даромадларни ўстириш соҳасидаги имкониятларимизни пасайтириб қўймоқда. Чунончи, енгил саноат, озиқ-овқат саноати, химия саноати министрликларининг ва баъзи бошқа тармоқларнинг корхоналарида лойиҳада белгиланган қувватларга эришилгани йўқ.

Техникани тараққий эттириш, янги техника ва технологияни жорий этиш негизида меҳнат унумдорлигини оширишни жадаллаштириш республика экономикасини янада мустаҳкамлаш ва халқ фаровонлигини юксалтиришнинг ҳал қилувчи шартидир. Бизда ана шу вазифани муваффақиятли ҳал этаётган коллективлар кам эмас. Бироқ меҳнат унумдорлигини ошириш планлари бажарилмаётган корхоналар ҳам бор. Олмалиқ рўзғор химияси, Фарғонадаги нефтни қайта ишлаш, Андижондаги «Электроаппарат» заводи, Самарқанд рўзғор холодильниклари заводи ана шундай корхоналар жумласиндандир.

Бу йил кўпгина корхоналар саноат-ишлаб чиқариш ходимлари сонини пландан ташқари миқдорда қаҳалашни давом эттирдилар. Ишга прогул қилиш, машина-ускуналарнинг бекор туриб қолиши ва бошқа сабабларга кўра иш вақтининг анча нобуд бўлишига йўл қўйиш ҳоллари ҳали ҳам кам эмас. Мебель саноати министрлиги, Маҳаллий саноат министрлиги, Пахта тозалаш саноати министрлигининг ва баъзи бир бошқа министрликларнинг, «Узплодоовощвинпром»нинг қатор корхоналарида маҳсулот сифатини яхшилаш проблемаси ҳали ҳам кескин проблема бўлиб қолмоқда.

Кейинги йилларда республикада қурилишни ташкил этиш яхшиланди, унинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Аммо, тайёргарлик комиссиялари таъкидлаб ўтганидек, капитал қурилишда мавжуд камчиликлар ҳали ҳам суст бартараф этилаётганини таъкидлаб ўтмаслик мумкин эмас. Бир қанча министрлик ва идоралар капитал маблағларини ўзлаштириш ҳажми жиҳатидан ҳам, шунингдек асосий фондларни ишга тушириш жиҳатидан ҳам ўн бир ойлик планнинг бажарилишини таъминламадилар.

Мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари, соғлиқни сақлаш объектларини қуришда жиддий қолоқликка йўл қўйилди. Қишлоқ қурилиши министрлиги, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети мактабгача тарбия муассасаларини ишга тушириш топшириқларини бажара олмадилар.

Бир қанча министрликларда ўрнатилмаган машина-ускуналарнинг запаслари кўпайиб бормоқда. Масалан, Бинокорлик материаллари саноати министрлигида машина-ускуналар қолдиғи 1 октябрда 15,1 миллион сўмни ташкил этиб, йил бошидагига нисбатан бундай қолдиқ 5,4 миллион сўмлик кўпайган. Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигида эса бундай қолдиқ 2,5 миллион сўмлик кўпайиб, 21,9 миллион сўмликка етган.

1978 йилда қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, сув хўжалиги қурилиши кент программасини амалга ошириш, деҳқончилик ва чорвачилик маданиятини юксалтириш, шунингдек ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялашни ривожлантириш, атроф муҳитни муҳофаза қилишни кучайтириш, табиий ресурслардан фойдаланишни яхшилаш талабларини бажариш учун кўплаб маблағ сарфланади. Бу эса қишлоқ хўжалик органлари зиммасига ажратиладиган маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги масалаларига зўр масъулият билан муносабатда бўлиш вазифасини юклайди. Аммо шунга қарамай, совхозлар ҳамда бошқа давлат кишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотлари ишида бу соҳада ҳали кўпгина камчиликлар бор.

Кичик комиссиялар таъкидлаб ўтганидек, совхозларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга сарфланадиган меҳнат ва пул чиқимларини тежаш режимига риоя қилиниши учун етарли даражада кураш олиб борилмаяпти.

Республиканинг баъзи районларида барқарор ем-хашак базаси ҳали вужудга келтирилгани йўқ. Масалан, Хоразм областидаги тўққиз райондан еттитаси бедаполар барпо этиш планини бажаргани йўқ. Сирдарё областида экин майдонлари структурасида озуқабоп экинлар салмоғи планда белгиланган 25,9 процент ўрнига 18 процентни ташкил этди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXV съездида қилган докладида бундай деб таъкидлади: «Жамиятимизнинг бойлиги қанчалик кўпаймасин, қаттиқ иқтисод қилиш ва тежамкорлик халқ хўжалигини ривожлантиришнинг, халқимиз фаровонлигини оширишнинг энг муҳим шарти бўлиб қола беради. Ҳар бир сўмни, ҳар бир меҳнат соатини, маҳсулотнинг ҳар бир тоннасини аниқ ҳисоблаш ва ундан самарали фойдаланиш, хўжасизлик ва тартибсизликни мутлақо тугатиш — бизнинг юксак партиявий бурчимиздир».

Ҳолбуки, пахта тозалаш саноати, енгил саноат, маҳаллий саноатнинг айрим корхоналарида хўжалик оборотида пул маблағларидан ҳамма вақт ҳам оқилона фойдаланилаётир, деб бўлмайди. Баъзан товар-моддий бойликларнинг нормативдан ташқари запаслари вужудга келтирилади, маблағлар дебиторлик қарзлари ва планда кўзда тутилмаган бошқа мақсадлар учун сарф қилинади.

Ўзбекистон ССРнинг 1978 йилги Давлат бюджетида маданият, маориф, соғлиқни сақлаш муассасаларининг тармоқларини янада кенгайтириш ва улар ишини яхшилаш, социал таъминотни ва социал страхованиени ривожлантириш тадбирларини пул билан таъминлаш учун кўплаб маблағ ажратиш кўзда тутилади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, бу маблағлар ҳамма вақт ҳам тўғри ва белгиланган мақсадлар учун сарфланаяпти, деб бўлмайди. Маҳаллий Советлар ижроия комитетлари етарли даражада контроллик қилмаганликлари сабабли умуман республикада шу йилнинг 10 ойи мобайнида анчагина маблағ фойдаланилмай қолди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг доимий комиссиялари Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1978 йилги Давлат планини кўриб чиқиб, уни маъқуллаш ҳақида таклиф киритадилар.

Комиссиялар Ўзбекистон ССРнинг 1978 йилги Давлат бюджетини муҳокама қила туриб, айни вақтда министрлик ва идоралар, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитетининг 1978 йил учун қўшимча маблағ ажратиш тўғрисидаги илтимосларини кўриб чиқдилар. Комиссиялар республика бюджетининг қўшимча равишда аниқланган даромадлари ҳисобидан маблағларни 8260 минг сўм миқдорида кўпайтириш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Қўшимча маблағлар қандай тақсимланганлиги давлат бюджети комиссияларининг депутатларга берилган хулосаларида кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон ССРнинг 1978 йилги Давлат бюджетини тузатишларни ҳисобга олган ҳолда даромадлар ва ҳаражатлар бўйича 4.747.682 минг сўм миқдорида тасдиқлаш тўғрисида таклиф киритилади.

План-бюджет комиссияси ва бошқа комиссиялар Ўзбекистон ССРнинг 1976 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақидаги ҳисоботни кўриб чиқдилар. Ўзбекистон ССРнинг 1976 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақидаги ҳисобот даромадлар бўйича 4844,7 миллион сўм миқдорида ва харажатлар бўйича 4725,0 миллион сўм миқдорида, даромадларни харажатлардан 119,7 миллион сўм ошиқ қилиб тасдиқлаш тўғрисида таклиф киритилади.

Республика меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети раҳбарлигида ўнинчи беш йилликнинг учинчи зарбдор йилида янги марраларни эгаллайдилар ва олдиларига қўйилган вазифаларни шараф билан бажарадилар. деб ишонч билдиришга рухсат бергайсиз. **(Қарсаклар).**

РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СОВЕТЛАРИНИНГ СССР КОНСТИТУЦИЯСИДАН ВА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ РАИСИ ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ЕТТИНЧИ СЕССИЯСИДАГИ ДОКЛАДИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Бошқ биринчи бетда).

Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва Министрлар Советининг совет халқига мурожаатига жавобан ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССР Олий Совети навбатдан ташқари сессиясида, Кремлдаги тантанали юбилей мажлисида ва КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумида қилган докладлари ва сўзлаган нутқларида баён этилган қоида ҳамда хулосаларга амал қилиб, беш йилликнинг уч йили топшириқларини СССР Конституцияси қабул этилганлигининг бир йиллиги кунигача бажариш учун бошланган социалистик мусобақани авж олдирмоқдалар, КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш йўлидаги курашда янги муваффақиятларга эришиб Ватанни қувонтиришга интилмоқдалар.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1. СССР Конституцияси (Асосий Қонуни), КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев СССР Олий Советининг навбатдан ташқари еттинчи сессиясида ҳамда Кремлдаги тантанали юбилей мажлисида ва КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумида қилган доклад ва сўзлаган нутқларида баён этилган қоида ва хулосалар тўла-тўкис ва батамом маъқуллансин ҳамда бу ҳужжатлар оғишмай амал қилиш ва ижро этиш учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, Ўзбекистон ССР министрликларига, идораларига, халқ депутатлари Советларига СССР Конституцияси оғишмай амалга оширилишини, унда баён қилинган қоидалар кундалик амалий фаолиятга татбиқ этиб борилишини таъминлаш ва шу асосда давлат органлари иш услуби ва методларини анча яхшилашга эришиш вазифаси топширилсин, бунда ҳар бир звено, ҳар бир ходимнинг ўз зиммасига юклатилган иш учун масъулияти ва ташаббусини оширишга, давлат ва меҳнат интизомига, социалистик қонунчиликка қатъий риоя қилишишга, меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжлари яна ҳам сергаклик билан ҳал этилишига алоҳида эътибор берилсин.

Халқ депутатлари Советлари ўз ваколатларидан самаралироқ фойдаланишлари, хўжалик ва маданий қурилишнинг барча соҳаларига таъсирни кучайтиришлари, фаолиятнинг демократик асосларини янада ривожлантириш-ни, доимий комиссиялар ва депутатларнинг актив ишлашини, социалистик демократия принципларига сўзсиз риоя этилишини, аҳоли билан алоқа мустаҳкамланишини, давлат ва жамоат ишларини бошқаришда меҳнаткашларнинг янада кенгроқ иштирок этадиган бўлишини таъминлашлари лозим.

3. СССР Конституциясини меҳнаткашлар ва айниқса ёшлар ўртасида кенг тушунтириш ва шу асосда барча совет кишилари ўз ҳуқуқ ва эркинликларини яхши билиб олишларига, бу ҳуқуқ ва эркинликлар уларнинг ўз гражданлик бурчларини ҳалол бажаришлари билан узвий боғлиқ эканлигини тушуниб етишларига эришиш — республика министрликлари ва идораларининг, халқ депутатлари Советлари, уларнинг ижроия комитетларининг, ҳар бир депутатнинг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин.

4. Министрликлар ва идораларга, халқ депутатлари Советлари ва уларнинг ижроия комитетларига, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига СССР Конституцияси лойиҳаси умумхалқ томонидан муҳокама этилган чоғда давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилишнинг конкрет соҳаларидаги ишларни яхшилаш масалалари хусусида меҳнаткашлардан тушган таклиф ва мулоҳазаларни кўриб чиқишга алоҳида эътибор бериб, уларни амалга ошириш чораларини кўриш, ишдаги камчилик ва нуқсонларни йўқотишга ўз вақтида ҳаракат қилиш вазифаси топширилсин.

5. Республика халқ депутатлари Советлари СССР Конституцияси талабларига амал қилиб, бевосита ўзлари ва ташкил этган органлари орқали қуйидаги вазифаларни амалга оширсинлар:

— хўжалик ва маданий қурилиш ишларига раҳбарлик қилиш доимо яхшиланиб борсин, бей йиллик топшириқларини бажариш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва иш сифатини яхшилаш учун социалистик мусобақа байроғи янада баланд кўтарилсин, меҳнат унумдорлиги тинмай ўсишига, фан-техника тараққиёти жадал боришига қунт билан эришилсин, ишлаб чиқариш илғорларининг иш тажрибаси кенг ёйилсин, ер, хом ашё, ёқилғи, электр энергияси, металл, асбоб-ускуна, барча материаллардан, иш вақтининг ҳар бир минутидан оқилона фойдаланишга эришиш учун кураш олиб борилсин;

— юқори идоралар қарамоғидаги корхоналар ва ташкилотлар қонунларга қандай риоя этаётганликлари устидан ўз ваколатлари доирасида контроль қилиб борсинлар, уларнинг ердан фойдаланиш, табиатни қўриқлаш, қурилиш, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш, аҳолига социал-маданий, маиший хизмат ва бошқа хил хизмат кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириб ва контроль қилиб турсинлар;

— колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари фаолияти натижаларига таъсир кўрсатиш ишлари кучайтирилсин, уларнинг ишлаб чиқаришни ривожлантириш планларини тузишда иштирок этилсин, экин майдонларидан, техникадан, минерал ўғитлардан фойдаланиш яхшиланишига эришилсин, колхозларнинг уставларига, хўжалик ички демократияси принципларига риоя этилиши кузатиб борилсин;

— мактаблар ва бошқа ўқув юртлари, болалар ва даволаш муассасалари, савдо ва аҳолига маиший хизмат корхоналари шохобчаларини ривожлантириш тўғрисида кўпроқ гамхўрлик қилинсин ва уларнинг ишлари яхшиланишига эришилсин;

— ҳамма ерда намунали жамоат тартиби ўрнатилган бўлишини, социалистик қонунчиликка риоя этилишини, гражданларнинг манфаатларн ва қонуний ҳуқуқлари муҳофаза қилинишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар қунт билан амалга ошириб борилсин, ижрони текшириш, меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш ишлари такомиллаштирилсин.

6. Ўзбекистон ССР Олий Совети халқ депутатлари Советларининг Конституцияда ёзилган ўз ваколатларини муваффақиятли равишда амалга оширишлари уларнинг демократик принципларни янада ривожлантириш, меҳнаткашларни давлат ва жамоат ишларини бошқаришга кенгроқ тортиш соҳасидаги бутун ташкилотчилик ишлари даражасини янада юқори кўтаришни талаб қилади, деб ҳисоблайди. Шу мақсадда қуйидагиларни амалга ошириш зарур деб топилсин:

— Советлар сессияларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш ишлари юксак даражага кўтарилсин, депутатлар муҳокамасига хўжалик ва маданий ҳаётнинг актуал масалалари олиб чиқилсин, қабул қилинадиган қарорларнинг самарадорлигига эришилсин;

— доимий комиссиялар ҳақиқатан ҳам Советларнинг ёрдамчи органлари бўлишлари учун, улар хўжалик ва маданий ҳаётнинг турли соҳаларидаги иш аҳволини ўрганиб боришлари, қонунларга риоя қилинишини ва қабул этилган қарорлар вақтида бажарилишини назорат қилиб туришлари, ўз тавсиялари амалга оширилишига эришишлари учун доимий комиссияларнинг ишлари такомиллаштирилсин;

— депутатларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги активлигини ривожлантиришга ҳар томонлама ёрдам берилсин, улар СССР Конституцияси ва депутатлар статуси тўғрисидаги Қонун талабларига оғишмай риоя қиладиган бўлсинлар, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун, наказлар бажарилиши учун кураш олиб борсинлар, ўз фаолияти ва Советнинг ишларидан аҳолини хабардор қилиб турсинлар;

— Советлар фаолиятида ошкоралик принципини янада ривожлантиришни, уларнинг омма билан алоқаси мустаҳкамланишини таъминлашга қаратилган иш формалари, яъни: ижроия органлар ва депутатларнинг аҳолига ҳисоб бериб боришлари, қабул қилинган қарорларнинг матбуотда эълон этилиши, энг муҳим масалаларни меҳнаткашлар муҳокамасига қўйиш, аҳолиннг ташаббускор жамоат органлари ишини яхшилаш ,раҳбар ходимларнинг меҳнаткашлар йиғилларида ва бошқа жойларда чиқиб сўзлаши каби формалар ва ҳоказолар такомиллаштириб борилсин.

7. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети қонунларни такомиллаштира бориш, Советлар фаолиятидаги ижобий тажрибаларни ўрганиш ва кенг ёйиш, хўжалик ҳамда маданий қурилиш масалаларини ҳал қилишда уларнинг ролини ошириш юзасидан тегишли иш олиб борсинлар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети республиканинг халқ депутатлар Советлари, барча давлат ва хўжалик органлари СССР Конституциясини амалга ошириб бориш, ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССР Олий Совети навбатдан ташқари еттинчи сессиясида, Кремлдаги тантанали юбилей мажлисида ва КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумида қилган докладларида ва сўзлаган нутқларида баён этилган қоидалар ва хулосалар асосида, партия ташкилоти раҳбарлигида хўжалик ва социал-маданий қурилишга раҳбарлик қилиш ҳамда меҳнаткашларни КПСС XXV съезди қарорларини бажаришга сафарбар этиш борасидаги ўз иш услуби ва методларини доимо такомиллаштириб борадилар, деб ишонч билдиради.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПУЛАТОВА.

1977 йил 20 декабрь.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1978 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА ВА ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1978 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ҲАҚИДАГИ ДОКЛАДЛАР ЮЗАСИДАН МУЗОКАРАЛАР

Депутат И. У. ҚЎЧҚОРОВ нутқи

СИРДАРЁ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ

Бизнинг мамлакатимиз Совет ҳокимияти ўрнатилганидан буён ўтган 60 йил мобайнида жуда катта муваффақиятларга эришди. Бу муваффақиятлар иқтисодий тараққиёт соҳасида кўпгина чет мамлакатлардан ўзиб кетган Ўзбекистонимиз мисолида, шунингдек қўриқ ўлкамиз мисолида яққол кўриниб турибди.

Биз ҳозирги кунда Мирзачўлда барпо этилган Сирдарё области саноат, транспорт, қурилишни ривожлантириш соҳасида ҳам, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданият соҳасида ҳам илғор область бўлиб қолди деб айтишга ҳақлимиз. Пахтакорларимиз бу йил давлатга 360 минг тонна «оқ олтин» сотғанлигини айтиб ўтиш кифоя. Сирдарё ГРЭСининг ҳозирги кунда ҳосил қилаётган электр энергияси чор Россиясидаги барча электростанциялар қувватидан тўрт баравар ортиқдир.

Областда экономика ва маданиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида катта тадбирлар амалга оширилмоқда. Аммо бизда камчилик ва нуқсонлар ҳам бор. Биз булардан кўз юммаймиз, балки аксинча барча резерв ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қилмоқдамиз. 1978 йилда халқ хўжалигининг барча тармоқларида катта муваффақиятларни қўлга киритишга интилмоқдамиз.

Мен сессия муҳокамасига қўйилган план ва бюджет лойиҳаларини тўла-тўкис маъқуллаб, бир қанча илтимосимизни айтиб ўтмоқчиман.

Бизда савдо бинолари, озиқ-овқат маҳсулотлари сақланадиган омборлар қурилиши анча орқада қолмоқда. Республика Савдо министрлиги бир неча йилдан буён бизнинг областимизда битта ҳам савдо объектини қуриб бермади. «Ўзбекбирлашув» ҳам ўз шохобчаларини кенгайтиришда суст ҳаракат қилмоқда. Ишни яхши йўлга қўйиш, Гулистонда янги музхона, магазинлар қуриш, капитал харажатлар учун область матлубот союзига қўшимча маблағлар ажратиб бериш керак. Автомобиль йўллари қуриш министрлигидан хўжаликлараро йўлларни ремонт қилишда бизга ёрдам беришини илтимос қиламиз.

Область меҳнаткашлари КПСС XXV съездининг, КПСС Марказий Комитети 1977 йил декабрь Пленуми, СССР Олий Совети VIII сессиясининг қарорларини муваффақиятли амалга ошириш учун зарур бўлган ҳамма тадбирларни кўрадилар ва коммунистик қурилишда янгидан-янги муваффақиятларга эришадилар. **(Қарсаклар).**

Депутат А. А. ЮРИЦ нутқи

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ

Ҳозирги пайтда совет жамиятининг бутун ҳаёти КПСС XXV съезди қарорларини, янги Конституцияни амалга ошириш белгиси остида ўтмоқда. Автоном республикининг ҳар бир меҳнатчиси жонажон партия режаларини амалга оширишда қатнашишни ўзининг ватанпарварлик бурчи деб ҳисоблайди.

Қорақалпоғистон саноати йиллик план муддатидан илгари бажарилганлиги тўғрисида рапорт берди. Колхоз ва совхоз далаларининг меҳнаткашлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва барча меҳнаткашларнинг фидокорона қилган меҳнати юбилей йилида давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш юзасидан белгиланган планлар ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш билан нишонланди.

Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1978 йилги давлат плани лойиҳаси экономика ва маданиятни комплекс ривожлантириш, Ўзбекистон ССР ва автоном республика аҳолисининг турмуш даражасини юксалтириш манфаатларига мос бўлиб тушади. Бу планларни тасдиқлашни таклиф этаман.

Автоном республиканинг экономикаси ва маданиятини тағин ҳам жадал ривожлантириш учун резервларимиз кўп. Партия, совет ва хўжалик органлари, совет Қорақалпоғистонининг барча меҳнаткашлари ана шу резервлардан рационал фойдаланиш учун, КПСС XXV съезди ўртага қўйган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун бундан буён ҳам эўр ғайрат билан кураш олиб борадилар.

Шу билан бирга бир қанча масалалар юзасидан республика министрликлари ва идоралари бизга ёрдам беришлари зарур. Амударёнинг этакларида ташкил этилган ихтисослаштирилган чорвачилик совхозлари мустаҳкам ем-хашак базасига эга эмас, бу ерда уй-жойлар ва маданий-маиший муассасалар, ишлаб чиқариш иншоотлари ва йўл қурилиши сust олиб борилмоқда. Қўшимча капитал маблағлар керак.

Автоном республикада хуторларни тугатиш ва уларнинг аҳолисини обод колхоз ва совхоз посёлкаларига кўчириш соҳасида бир қанча тадбирлар амалга оширилмоқда. Янгидан ўзлаштирилган қўриқ ерлардаги янги Элликқалъа райони вужудга келтирилди, Жамбасқалъа ва Қумбосган массивлари ўзлаштирилмоқда. Шу муносабат билан қурилиш материаллари фондини кўпайтиришни илтимос қиламиз.

Партия билан ҳукуматни ишонтириб айтаманки, Қорақалпоғистон Автоном Республикасининг меҳнаткашлари иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1978 йилга мўлжалланган планларини муваффақиятли бажариш учун янги-янги резервларни сафарбар қиладилар. **(Қарсаклар).**

Депутат А. УМАРОВ нутқи

МАРҒИЛОН «АТЛАС» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ТЎҚУВЧИСИ

КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг ва СССР Олий Совети саккизинчи сессиясининг иш якунлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги чуқур мазмунли доклади барча совет кишилари сингари марғилонликларни ҳам меҳнатда янги зафарларга, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун фидокорона курашга руҳлантирди.

СССРнинг янги Конституцияси қабул қилиниши туфайли сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати юксалганлиги бизнинг корхонамизда ўзи сезилиб турибди. Беш йиллик топшириқларини барвақт бажариш мажбуриятини олган ишлаб чиқариш илғорларининг сафлари кенгаймоқда.

Яқинда Москва саноат корхоналарининг коллективлари беш йилликнинг дастлабки уч йили планини СССР Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллиги кунигача бажариш ташаббусини бошладилар. Шаҳримиздаги кўпгина илғор саноат корхоналарининг коллективлари, юзлаб новаторлари бу ташаббусни қўллаб-қувватладилар. Масалан, мен ўзим беш йиллик планини В. И. Ленин туғилган кунинг 108 йиллиги кунигача, олти йиллик топшириқни эса келгуси йилнинг 7 октябригача бажариш учун қурашаяпман. Ҳозир мен ва мусобақадош ўртоғим тўқувчи Мухсинжон Қоробоев ҳам Сифат белгиси қўйилган маҳсулотларни 1980 йил ҳисобига ишлаб чиқаряпмиз. Республикани социалиқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг 1978 йилги плани ва бюджети лойиҳалари ҳаммамизни қувонтиради. Бу ерда сўзга чиққан барча депутатларга қўшилиб мен ҳам бу ҳужжатларни қўллаб-қувватлайман ва маъқуллайман.

Марғилон шаҳри олдида турган баъзи бир ҳал этилмаган масалаларга тўхталиб ўтмоқчиман. Саноат ишлаб чиқариши кўлами кенгайиб бораётганлиги муносабати билан шаҳар аҳолиси ҳам кўпаймоқда. Шу сабабли уй-жой қурилишига кўпроқ маблағ ажратиш зарур бўлиб қолмоқда.

Андижон, Наманган ва қўшни Қирғизистоннинг баъзи шаҳарларини боғлайдиган кўпгина йўллар бизнинг шаҳримиз орқали ўтади. Автомашиналар қатновининг кескин кўпайиши транспорт учун ҳам, йўловчилар учун ҳам қийинчилик туғдирмоқда. Шаҳримизни айланиб ўтадиган автомобиль йўли қуриш масаласи кўриб чиқилишини сўраймиз.

Фарғона областининг меҳнаткашлари эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш билан кифояланиб қолмасдан, уларни кўпайтириш учун ҳам ҳамма ишларни қиладилар. **(Қарсаклар).**

Депутат Ғ. Ғ. ЮСУПОВ нутқи

ЎЗБЕКИСТОН ССР САВДО МИНИСТРИ

1978 йил ва умуман ўнинчи беш йиллик социал-иқтисодий программасининг муваффақиятли бажарилиши савдо-сотиқни ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқдир.

Юбилей йилида барча савдо системалари товар оборотларини муваффақиятли бажармоқда. Республикада 11 ой мобайнида товар оборотларини 101,5 процент бажарилди. Планга қўшимча равишда 107 миллион сўмдан кўпроқ, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан эса 460 миллион сўмдан зиёд мол сотилди.

1978 йилда республика учун белгиланган чакана товар оборотларини муваффақиятли бажариш учун халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни янада кўпайтиришни ва уларнинг сифатини оширишни таъминлаш зарур. Бироқ кўпгина корхоналар Савдо министрлигини хабардор қилмай туриб, аҳоли учун зарур бўлган молларни ишлаб чиқаришни камайтирмоқдалар ёки ишлаб чиқаришдан бутунлай чиқариб ташламоқдалар ва шу тарика бу моллларнинг танқислигини сунъий равишда вужудга келтирмоқдалар. Уй хоналари ва ошхона учун мўлжалланган мебель комплекси, спорт молларини ишлаб чиқаришда ана шундай аҳвол юз берди. Ҳолбуки, республикада физкультура ва спортнинг ривожланиши билан бу молларга бўлган талаб доимо ошиб бормоқда.

(Давоми тўртинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1978 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА ВА ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1978 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ҲАҚИДАГИ ДОКЛАДЛАР ЮЗАСИДАН МУЗОКАРАЛАР

(Бошы учинчи бетда).

Айрим корхоналар ҳамон паст сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар. Чоралар кўрилганлигига қарамай, бундай маҳсулот барибир савдо тармоқларига етказилиб берилмоқда ва магазинларнинг пештахталарида босилиб ётмоқда. Бу билан харидорларга ва давлатга катта зарар етказилмоқда.

Кейинги йилларда бизда умумий овқатланиш кенг ривож топди. Аммо биз савдо тармоқларини ривожлантириш тоширириқларини умуман бажараётган бўлсак ҳам, олий ва ўртә махсус ўқув юртлари ҳамда умумий таълим мактаблари ҳузурида ошхоналар қуриш соҳасида орқада қолмоқдамиз. Биз Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги. Маориф министрлиги ҳамда маҳаллий партия ва совет органлари билан биргаликда ана шу камчиликларни тугатиш учун тегишли чораларни кўрмоқдамиз. В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ташаббуси диққатга сазовордир. Бу ерда сўнгги уч йил мобайнида 180 ўринли парҳез ошхонаси бўлган умумий овқатланиш комбинати, масаллиқлар сотиладиган магазин қурилди. Барча министрлик ва идоралар, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари савдо-сотиқни ва умумий овқатланишни ривожлантиришга зарур эътибор берганларида айни муддао иш бўлур эди.

Партия ва ҳукуматнинг «Савдо-сотиқни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори халқ фаровонлиги ҳақидаги ғамхўрлик билан суғорилгандир. Бу ҳужжатда савдо-сотиқ соҳасида эришилган муваффақиятларга баҳо берилган ва бу ишдаги нуқсонлар принципиал танқид қилинган, савдони янада ривожлантириш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланган. Биз шу нарсани тез олишимиз керакки, савдо соҳасида ютуқлар билан бир қаторда ҳали ҳал этилмаган кўпгина проблемалар бор. Савдо-сотиқнинг прогрессив формалари, сермеҳнат жараёнларни механизациялаш ва автоматлаштириш ҳали ҳам суст жорий этилмоқда.

Республика савдо ходимлари ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилида тармоқ олдига қўйилган вазифаларни бажариш учун бутун кучғайратларини сарфлайдилар. **(Қарсаклар).**

Депутат А. Б. САИДХЎЖАЕВ нутқи

ҚУЙИ ЧИРЧИҚ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ

Пойтахт Тошкент области ва Қуйи Чирчиқ районимизнинг меҳнаткашлари юбилей йили планлари ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшганликларини депутатларга мамнуният билан маълум қиламан. Область пахтакорлари республикада биринчи бўлиб халқ хўжалик планларини, кейин эса социалистик мажбуриятларни қисқа муддат ичида бажардилар. Районимиз деҳқонлари давлатга пахта сотиш планини 15 иш кунида бажардилар. Ватан қуйи чирчиқликлардан 60 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» олди, гектар бошига ҳосилдорлик 40 центнерга етди.

Колхоз, совхоз ишлаб чиқаришининг барча тармоқларини жадал, интенсив ривожлантириш плани тузилаётганлиги, ана шу мақсадларга катта-катта маблағлар ажратилаётганлиги, саноатнинг қишлоққа хизмат қиладиган тармоқлари қувватларининг оширилаётганлиги ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг кўпайтирилаётганлиги биз, қишлоқ меҳнат аҳлини қувонтирмоқда. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ва қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш маданиятини яхшилашга ёрдам берадиган баъзи бир таклифларни айтиб ўтишни хоҳлар эдим.

Олмалиқда тафтинг гилам ишлаб чиқараднган фабрика қурилиб, ишга туширилди. Унинг қуввати бор-йўғи 35 процент ўзлаштирилган. Фабриканинг тўла қувватини ўзлаштириш тўғрисидаги масалани ҳал этиб беришни, бунинг учун зарур миқдорда хом ашё ва материаллар ажратиб беришни сўраймиз.

Беш йилликнинг ҳар бир йили — коммунизм йўлида қўйилган янги катта қадамдир. КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларига биноан, ишлаб чиқилган республикани 1978 йилги иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат плани меҳнаткашларнинг ҳаётий манфаатларига тўла мос тушади ва республиканинг экономика ва маданиятини янада юксалтириш ишига хизмат қилади. **(Қарсаклар).**

Депутат Г. М. САРКИСОВ нутқи

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ

Барча совет халқи сингари Тошкент меҳнаткашлари ҳам Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини ва СССРнинг Асосий Қонуни қабул қилинганлигини хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма участкаларида эришилган муваффақиятлар билан нишонладилар.

Шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш юзасидан беш йиллик икки йили топшириқларини 6 декабрда бажаришга муваффақ бўлдилар ва кўпчилик энг муҳим маҳсулот турларини реализация қилиш ва ишлаб чиқариш юзасидан шу йилги план муваффақиятли бажарилганлиги тўғрисида яқин фурсатда рапорт берадилар.

Шаҳарда капитал қурилиш катта ҳажмда амалга оширилмоқда. Республика пойтахтининг аҳолиси Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига ажойиб бир совға олди — метрополитеннинг биринчи навбати ишга тушди.

Ишда эришилган муваффақиятлар 1978 йилги иқтисодий ва социал ривожлантириш планида беш йиллик планнинг шу даврига мўлжалланганидан янада юксакроқ марраларни кўзда тутишга имкон берди. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми шу йилги планга нисбатан қарийб 7 процент кўпаяди. Ўсишнинг кўпчилик қисми асосан меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига бўлади.

1978 йилда жуда кўп қурилиш ишларини бажаришга тўғри келади. Шаҳарда қарийб 900 минг квадрат метр саҳнли ун-жой қуриб битказиш мўлжалланади, мактабгача тарбия муассасалари шу йилга нисбатан икки баравар кўп фойдаланишга топширилади, 10 минг ўқувчи ўрни бўлган мактаблар ва бошқа кўпгина савдо-сотиқ, маиший ва коммунал объектлари қурилади. Ишлаб турган саноат комплексларини техника жиҳатидан янада қайта қуроллантириш ва реконструкция қилишга катта маблағлар ажратиш мўлжалланади.

Мўлжалланган ҳажмда капитал маблағлар сарфлаш инженерлик тармоқларини қуришга янгича ёндашувни тақазо қилади. Мана шуларни назарда тутиб, коммунал хўжаликка ажратиладиган капитал маблағларни кўпайтириш имкониятини кўриб чиқишни сўрардик.

1978 йилга қўйилаётган вазифалар муваффақиятли бажарилишига аминмиз. Илғор корхоналарнинг беш йиллик уч йили планини СССР янги Конституцияси қабул қилинган кунинг бир йиллигигача бажариш борасидаги ташаббусларини саноат, қурилиш, транспорт ва бошқа тармоқларнинг кўпгина коллективлари кенг кўламда қўллаб-қувватлаётганликлари бунинг гаровидир.

Маҳаллий Советлар қўйилган вазифалар бажарилишини, мураккаб шаҳар хўжалигига раҳбарлик услуби ва методларини доимо такомиллаштириб боришни, иқтисодий ва социал тараққиётнинг ҳамма участкаларида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини янада оширишни ўз вазифалари деб биладилар.

Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1978 йилги давлат плани ва республиканинг 1978 йилги давлат бюджети лойиҳасини тасдиқлаш тўғрисидаги таклифни қувватлайман. **(Қарсаклар).**

Депутат И. НАИМОВ нутқи

ВОБКЕНТ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ

Бухоро областининг меҳнаткашлари янги Конституцияни якдиллик билан қўллаб-қувватлаб ва маъқуллаб шонли юбилей шарафига муносиб совғалар тайёрлашди. Халқ хўжалигининг барча тармоқларида юбилей йили топшириқлари муваффақиятли бажарилмоқда. Ўн бир ойлик пландан ташқари 19.5 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Капитал қурилиш тез суръатлар билан ривожланмоқда.

Партия ва ҳукуматнинг қишлоқ хўжалиги тўғрисидаги тинимсиз ғамхўрлиги туфайли бу йил областда катта-катта ирригация иншоотлари қуриб битказилди. Аму-Бухоро каналининг иккинчи навбати. Шўрқўл сув омбори, кўпгина насос станциялари, артезиан қудуқлар қисқа муддатларда фойдаланиш учун топширилди.

Область деҳқонлари юбилей йилида 560 минг тонна яъни бултургидан 83 минг тонна кўп пахта етиштириб, давлатга сотдилар. Бу —область тарихидаги рекорд ҳосилдир. Давлатга дон, сабзавот, полиз маҳсулотлари, узум, тухум, пилла сотиш планлари анча ошириб бажарилди. Октябрь юбилейи йилида Вобкент районининг пахтакорлари ҳам ўрнак кўрсатишди. Улар давлатга 48 минг тонна «оқ олтин» сотдилар. Ҳосилнинг ҳаммаси биринчи сортга қабул қилинди.

Айни вақтда областимизда ҳалигача фойдаланилмаётган кўпгина резервлар бор. Партия, совет ва хўжалик органлари ана шу резервларни қидириб топиб, улардан тўла-тўкис фойдаланишга асосий эътиборни қаратмоқдалар.

Бизнинг Вобкент районимизда янги ерларни ўзлаштириш ҳисобидан экинзорларни кенгайтириш имконияти йўқ. Ерларни планлаштиришни яхшилаш, катта ҳажмдаги ирригация ишларини бажариш ва шу асосда дала ҳосилдорлигини ошириш пахтачиликдаги бизнинг бош резервимиздир. Биз яқин икки-уч йил ичида ҳамма экинзорларни яхшилаб текислашимиз, барча суғориш системаларини бетонлаштиришимиз лозим. Белгиланган программани бажариш учун катта маблағ ажратиш керак бўлади. Бу ишда биз имконият борича ёрдам берилишини сўраймиз. Район марказини ва посёлкаларини табиий газ билан таъминлаш проблемаси шу пайтгача ҳал этилгани йўқ, бу эса район меҳнаткашларининг турмуш маданиятини яхшилашга боғлиқ бўлган тадбирларни амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда.

Ушбу сессия муҳокамасига тақдим этилган республика плани ва бюджети лойиҳалари республика экономикаси ва маданиятини янада юксалтиришни, халқ хўжалигининг барча тармоқларини бир текис ривожлантиришни таъминлашга хизмат қилади. Мен ўзимдан олдин сўзга чиққан депутатларнинг шу лойиҳаларни исталган ва мулоҳазаларни ҳисобга олиб тасдиқлаш тўғрисидаги таклифига қўшиламан. **(Қарсаклар).**

Депутат Э. И. ИСЛОМОВ нутқи

ЖИЗЗАХ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ

Барча совет кишилари сингари Жиззах областининг меҳнаткашлари ҳам СССРнинг янги Конституциясини, КПСС Марказий Комитети 1977 йил декабрь Пленуми ва СССР Олий Совети саккизинчи сессиясининг қарорларини ўз севикли Ватанимиз учун, шонли Коммунистик партиямиз учун ҳаққоний ифтихор туйғуси билан якдил маъқулладилар. Ўн бир ойлик пландан ташқари 707 миллион сўмликдан знёд саноат маҳсулоти реализация қилинди, саноат, қишлоқ хўжалиги, маданий-маиший хизмат соҳаларида тўртта янги объект ишга туширилди.

Меҳнаткашларнинг турмуш даражаси йил сайин ўсмоқда. аҳолига маиший ва коммунал хизмат кўрсатиш ҳажми ва турлари анча ортди. Областда халқ маорифи, медицина хизмати, маданият, савдо-сотиқ муваффақиятли ривожланмоқда. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлиги ва маҳсулот сифати анча ошди. Пахта терими қийин об-ҳаво шароитларида ўтказилди. Деҳқонларнинг фидокорона меҳнати туфайли давлатга «оқ олтин» сотиш юзасидан белгиланган план бажарилди. Бу муваффақиятга механизаторлар катта ҳисса қўшдилар.

Жиззах области депутатлари группаси номидан республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1978 йилги давлат плани ва бюджети тўғрисида тақдим этилган қонун лойиҳаларини тўла-тўкис маъқуллашни таклиф қиламан.

Шу билан бирга бизнинг баъзи бир таклифларимиз бор. Пахтачиликни, жумладан янги совхозларда пахта етиштиришни ривожлантиришга доир бир қанча масалаларни кўриб чиқишни илтимос қиламиз. Бизнинг фикримизча, маҳаллий Советлар объектларининг қурилишига ажратилган маблағни кўпайтириш зарур.

Жиззах областининг меҳнаткашлари план ва мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун бутун кучларини сарф қиладилар. **(Қарсаклар).**

Депутат В. И. ПОВЕТКО нутқи

АНДИЖОН ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ

Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари каби биз, андижонликлар ҳам экономика ва маданиятни ривожлантиришда, халқнинг маиший фаровонлигини оширишда республикамиз эришган муваффақиятлардан ғоят хурсандмиз.

Бизнинг областимиз беш йилликнинг иккинчи йилини муваффақиятли тугалламоқда. Ишлаб чиқаришни ўстириш ва саноат маҳсулотини реализация қилиш суръатлари планда белгиланган кўрсаткичлардан ўзиб кетмоқда. «Андижанирстрой» ва «Андижанводстрой» қурилиш трестларининг коллективлари ажойиб муваффақиятларга эришдилар. Улар беш йилликнинг икки йили топшириқларини муддатидан илгари бажардилар ва москволикларнинг беш йилликнинг уч йили планини СССР Конституциясига қабул қилинган кунинг бир йиллигигача тўлиқ бажариш соҳасидаги ташаббусини биринчилар қатори қўллаб-қувватладилар.

Область пахтакорлари сув танқис бўлган жуда оғир шароитда мўл ҳосил етиштирдилар ва давлатга 615 минг тоннадан знёд пахта топширдилар. Бизнинг областимизда бундай кўп ҳосил биринчи марта етиштирилди. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотининг бошқа турларини етиштириш ҳам кўпайди.

Ўнинчи беш йиллик даврида меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги янада юксалди, халқ истеъмол қиладиган моллари ишлаб чиқариш кўпайди, аҳолига маиший-маиший, савдо ва медицина хизмати анча яхшиланди.

Шу билан бирга биз барча ресурслар ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга ҳали эришганимиз йўқ. Областдаги айрим коллективлар меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулотнинг таннархини камайтириш юзасидан берилган топшириқларни бажармаётирлар.

Капитал қурилишда объектларни ишга туширишда ва нормаларининг бузилишига йўл қўйилмоқда.

Биз 1978 йил план ва топшириқларини сўзсиз бажаришни, план ва давлат интизомини мустаҳкамлашни, моддий ресурслар ва меҳнат ресурсларидан тўлароқ, самаралироқ фойдаланишни ўзимизнинг муҳим вазифамиз деб биламиз.

Баъзи корхоналаримиз ва ташкилотларимиз министрликлар ва марказий идораларнинг ёрдамига муҳтождир. Маҳаллий саноат корхоналарининг мавжуд қувватлари маҳсулот етиштиришни икки баравар кўпайтириш имконини беради. Аммо хом ашё билан етарли миқдорда таъминланмаётганликлари туфайли ҳозирги кунда бу қувватларнинг атиги ярмидан фойдаланилмоқда. Қишлоқ қурилиши министрлигига қарашли 24-трестнинг моддийтехника базасини мустаҳкамлаш лозим.

Областнинг барча меҳнаткашлари номидан партия ва ҳукуматни ишонтириб айтаманки, андижонликлар беш йиллик учинчи йили планларини муваффақиятли бажариш учун зарур бўлган ҳамма ишларни адо этадилар. **(Қарсаклар).**

Депутат М. ЖЎРАЕВ нутқи

ИШТИХОН РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ

Республика халқ хўжалигининг барча тармоқларни ривожлантиришда кейинги йилларда катта муваффақиятларга эришди. Самарқанд областимиз пахтачиликни ривожлантиришда рекорд кўрсаткичларни қўлга киритди. Мамлакатнинг улкан давлат хирмонига қарийб 579 минг тонна «оқ олтин» топширилди. Етиштирилган ҳосилнинг 348 минг тоннаси машиналарда териб олинди. Гектар бошига пахта ҳосилдорлиги ўрта ҳисобда 33,2 центнер бўлди. Ғалла етиштириш юзасидан халқ хўжалик плани ҳам ортиғи билан бажарилди.

Бизда ҳозир беш йилликнинг учинчи йилида пахта етиштиришда янги марраларга эришиш учун кураш авж олдириб юборилди. Партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада ривожлантиришнинг яхшироқ йўлларини ҳормайтолмай изламоқдалар.

Биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг, область партия ва совет органларининг район экономикасини юксалтиришдаги доимий ёрдамини сезиб турибмиз. Йирик чорвачилик комплекси қурилиши тугай деб қолди. Узумчилик, сабзавотчилик, полизчилик, паррандачилик ва бошқа баъзи тармоқларда ишлаб чиқаришни кооперациялаш ва интеграциялаш жорий этилмоқда. Балиқ етиштириш ва асаларичиликни ривожлантириш ҳам районда худди шундай кооперациялаштирилган.

Кўптусин сув омборини барпо этиш жадал суръатлар билан давом эттирилмоқда. 80 километрлик Оқдарё — Янгикент каналини қайта қуришга киришилди. Янги ерларни ўзлаштириш ва мелиорациялаш сифатини ошириш, жамоат чорвасининг насли ва маҳсулдорлигини яхшилаш учун кўп иш қилинмоқда. Биз қоракўлчиликни ривожлантиришда муайян ютуқларга эришдик, лекин бу борада кўраётган тадбирларимиз ҳали камлик қилади.

Областимизда ўз составига 920 оилани бирлаштирган 80 та уй-жой-қурилиш кооперативлари бор. Улар муайян ёрдамга муҳтождир.

Биз, соғлиқни сақлаш ва алоқа объектлари қурилишига ажратиладиган капитал маблағларни кўпайтиришни, Иштихон районида пахта тозалаш заводи қурилиши тўғрисидаги масалани қараб чиқишни илтимос қиламиз.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг партиямиз Марказий Комитети 1977 йил декабрь Пленумида сўзлаган нутқида ўртага қўйилган вазифалардан руҳланган Самарқанд области меҳнаткашлари беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини ортиғи билан бажарадилар, деб ишонтиришга ижозат бергайсиз. **(Қарсаклар).**

Депутат М. УЗОҚОВА нутқи

ЯККАБОҒ РАЙОНИДАГИ ЭНГЕЛЬС НОМЛИ КОЛХОЗ ПРАВЛЕНИЕСИ РАИСИ

Бутун совет халқи сингари Қашқадарё областининг меҳнаткашлари ҳам Советлар мамлакатининг янги Конституциясини, КПСС Марказий Комитети 1977 йил октябрь ва декабрь Пленумларининг, СССР Олий Совети еттинчи ва саккизинчи сессияларининг қарорларини якдиллик билан маъқулламоқдалар.

Улуғ Октябрнинг 60 йиллик юбилейи нишонланган йил сифатида тарихга кирган бу йил область меҳнаткашларининг снёсий активлиги ва меҳнат ғайрати мисли кўрилмаган даражада ўсган йил бўлди. Қашқадарё областининг индустрияси саноат маҳсулотини реализация қилиш ўн бир ойлик топшириғини муддатидан илгари бажарди, капитал қурилиш соҳасида ва аввало Қарши даштини ўзлаштиришда муайян муваффақиятларга эришилди. КПСС XXV съезди нинг қарорларига мувофиқ Қарши даштида ингичка толали пахта етиштириладиган йирик район вужудга келтирилмоқда. Саноат объектлари, электр линиялари, йўллар, каналлар ва бошқа иншоотлар, 123 минг квадрат метр ун-жой бинолари, 3750 ўринли мактаблар, 510 ўринли болалар боғчалари ва яслилари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, колхозларнинг кучи билан кўплаб ун-жойлар ва социал-маданий объектлар барпо этилди.

Область деҳқонлари юбилей йилини катта муваффақиятлар билан нишонладилар. Давлатга 455 минг тоннадан кўпроқ пахта, шу жумладан 72 минг тонна пахтанинг энг қимматли ингичка толали навларини топширдилар. Яккабоғ районидаги мен бошчилик қилаётган Энгельс номли колхоз аъзолари ҳам қишлоқ хўжалик йилини муваффақиятли якунламоқдалар. Пахтакорларимиз ноқулай об-ҳаво шароитларига қарамай, мўл «оқ олтин» ҳосили етиштирди, давлатга пахта сотиш планини 103 процент бажардилар. Ғалла тайёрлаш плани 111 процент, сабзавот тайёрлаш плани 136 процент, гўшт тайёрлаш плани 105 процент, сут тайёрлаш плани 110 процент, тухум тайёрлаш плани 179 процент, қоракўл тери тайёрлаш плани 105 процент, пилла тайёрлаш плани 114 процент бажарилди. Биз бошқа топшириқларни ҳам тўла-тўкис адо этдик.

Ҳозирги вақтда бутун пахта майдони юқори сифатли шудгор қилиб қўйилди. Икки юз гектар янги ер ўзлаштирилди. Биз чорва қишловига пухта тайёргарлик кўрдик. Хуллас, хўжаликда ўнинчи беш йиллик учинчи йили планларини муваффақиятли ҳал қилиш учун мустаҳкам замин яратилмоқда.

Мен Ўзбекистон ССРнинг келгуси йилги Давлат плани ва республиканинг бюджети лойиҳаларини Қашқадарё областининг депутатлари номидан тўла-тўкис маъқуллайман.

Шу билан бирга бир қанча масалалар устида тўхталиб ўтмоқчиман. Бу масалаларни ҳал этишимизда бизга республика бир қанча ташкилотларининг ёрдами зарур.

Кейинги йилларда областда қишлоқ хўжалик ерларини сув билан таъминлашни яхшилаш соҳасида катта иш қилинди. Бироқ Яккабоғ районида бу проблема ҳали узил-кесил ҳал қилингани йўқ. Янги ирригация иншоотларини қуришда тегишли ташкилотларнинг бизга ёрдам беришларини илтимос қиламиз. Биз учун янги ирригация иншоотлари қуриш ва «Москва» каналининг асосий иншоотини реконструкция қилиш иши ҳам мухим аҳамият касб этади.

Ленин васиятларига содиқ бўлган Қашқадарё областининг меҳнаткашлари мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг янги вазифаларини ҳал қилиш ишига муносиб ҳисса қўшиш учун бутун куч-ғайратларини сарф қиладилар. **(Қарсаклар).**

Депутат М. ЖУМАНАЗАРОВ нутқи

УРГАНЧ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ

КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил декабрь Пленуми ва СССР Олий Совети саккизинчи сессиясининг қарорлари асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1978 йилги давлат плани ва бюджети лойиҳалари республикамизни янада равнақ топтиришда муҳим роль ўйнайди. Республика экономикаси ва маданиятини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, халқ фаровонлиги даражасини юксалтириш юзасидан партия амалга ошираётган тадбирлар ана шу ҳужжатларда ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Хоразм областининг меҳнаткашлари юбилей йилини халқ хўжалигининг барча соҳаларида сезиларли муваффақиятлар эришиш билан нишонламоқдалар. Областдаги саноат корхоналарининг коллективлари, шу жумладан Урганч районининг меҳнаткашлари ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ўн бир ойлик планини ошириб бажардилар. Анчагина ишлаб чиқариш иншоотлари, маданий-маиший ва жамоат объектлари, уй-жойлар қурилиб, фойдаланиш учун топширилди. Ёғ-экстракция заводининг биринчи навбати ишга тушди. Хива гилам тўқиш фабрикасини фойдаланишга топширишни жадаллаштириш чоралари кўрилмоқда.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашларимизнинг эришган муваффақиятлари ҳаммамизни ғоят қувонтиради. Биргина районимиз деҳқонлари давлатга 50 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» сотиб, ҳосилдорликни гектар бошига 41,8 центнерга етказдилар. Областимиз эса Ватан омборларига 426 минг тонна пахта етказиб берди, давлатга сотилган бутун пахтанинг 95 проценти биринчи сортларга топширилди. Районимиз меҳнатчилари бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш планларини ҳам анча ошириб бажардилар.

Бироқ, биз тан олишимиз керакки, ютуқларимиз билан бир қаторда ишимизда ҳали баъзи бир камчиликлар ҳам бор. Ўз топшириқларини ҳали ҳам бажара олмаётган саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотлари бошда йўқ эмас. Айрим объектларда қурилиш муддатлари ҳаддан ташқари чўзилиб кетди. Пахта ҳосилдорлиги умуман область бўйича гектар бошига қарийб 42 центнерга етгани ҳолда, айрим колхозларда ҳосилдорлик ана шу даражадан анча пастдир.

Хоразм областида, шу жумладан Урганч районимизда экономика ва маданиятни янада ривожлантириш юзасидан бир қанча тадбирларни амалга оширишимиз лозим. Янги ерларни ўзлаштириш, ғалвода сув чиқариш, уй-жойлар, маданий-маиший муассасалар, чорвачилик совхозлари барпо этиш учун ажратилаётган капитал маблағларни кўпайтиришни илтимос қиламиз. Шоли экиладиган майдонлар кенгайтирилиши муносабати билан ихтисослашган қурилиш трести ташкил қилиш заруриятн туғилди.

Область меҳнаткашлари беш йиллик топшириқларини амалга ошириш йўлида янада зўр ғайрат ва матонат билан меҳнат қиладилар, деб партия ва ҳукуматни ишонтиришга ижозат бергайсиз. **(Қарсаклар).**

Ўзбекистон ССР Олий Советининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1976 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССРнинг 1976 йилги Давлат бюджети даромадлар бўйича 4.844.674 минг сўм миқдорида ва харажатлар бўйича 4.724.959 минг сўм миқдорида, даромадлар харажатлардан 119.715 минг сўм миқдорида ортиқ қилиб бажарилганлиги тўғрисидаги ҳисобот тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПУЛАТОВА.

1977 йил 20 декабрь. Тошкент шаҳри.

Депутат Д. Т. ХЎЖАМҚУЛОВА нутқи

ТЕРМИЗ РАЙОНИДАГИ «ОКТЯБРЬ 40 ЙИЛЛИГИ» КОЛХОЗИНИНГ МЕХАНИЗАТОРИ

Янги Конституциянинг қабул қилиниши совет кишиларининг ҳаётида катта тарихий воқеа бўлди. Конституцияда Совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин 60 йил мобайнида халқимиз босиб ўтган катта йул ўз ифодасини топган, халқларнинг буюк ленинча дўстлиги тантанаси ифоланган. Бу дўстлик ва биродарликнинг самараларини областимиз мисолида ҳам кўриш мумкин.

Сурхон водийсида экономика ва маданият тўхтовсиз ривож топмоқда. Ўлканинг бундай юксалиши ва равнақ топиши негизида минг-мингларлаб сурхондарёликларнинг зарбдор, ижодий меҳнати бор. Область саноат корхоналарининг коллективлари ўн бир ойлик программани муддатидан икки ҳафта олдинроқ адо этдилар. Капитал қурилишда катта ҳажмдаги ишлар бажарилди. Деҳқонлар билан чорвадорлар меҳнати ҳам самарали бўлди. Мен область пахтакорларининг муваффақиятларига ҳисса қўшганлигим, ўзимнинг «зангори кемамда» қарийб 200 тонна ингичка толали пахта териб берганлигим билан фахрланаман.

Область меҳнаткашлари олдида келгуси йилда улкан вазифалар турибди. Бу вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан Тўпаланг, Оқтепа, Дарбанд, Обизаргон, Лалмисой ирригация иншоотларининг лойиҳаларини тузиш соҳасидаги ишларнинг поёнига етказилиши, шунингдек ана шу иншоотларда ишнинг бошланиши билан боғлиқдир. Молларни бўрдоқига боқиш ишларини авж олдириш учун янги яйловларни ўзлаштириш зарур. Биз, ана шуларни ҳисобга олиб, шу мақсадларга ажратиладиган маблағларнинг ҳажми кўпайтирилишини сўраймиз. Шаҳарлар ва қишлоқларни ободонлаштириш ишларини олиб бориш учун ҳам қўшимча маблағлар ажратиш талаб қилинади.

Республиканинг 1978 йилги халқ хўжалиги плани ва бюджетининг мазкур сессия муҳокамасига қўйилган лойиҳалари экономика ва маданиятни янада ривожлантириш манфаатларига мос тушади. Мен ана шу лойиҳаларни тасдиқлаш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлайман. **(Қарсаклар).**

БАЛЛИ, ИШЧИЛАР СИНФИ!

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИ МЕҲНАТЧИЛАРИНИНГ РАПОРТИ

Ўзбекистон саноат корхоналарининг коллективлари социалистик мусобақани кенг авж олдириб, СССРнинг янги Конституцияси қабул қилинганлиги туфайли вужудга келган юксак сиёсий активлик вазиятида маҳсулотни реализация қилиш ва буюмларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан ўнинчи беш йиллик иккинчи йили планини муддатидан илгари — 21 декабрда бажардилар.

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг хабар беришича, кўмир ва нефть қазиб чиқариш, электр энергия ҳосил қилиш, пахта териш машиналари, чанглатгич-пуркагич машиналар, тўқимачилик саноати учун технология асбоб-ускуналари ва запас қисмлар, шойи газлама, пайпоқлар, ички ва устки трикотаж, чарм пойафзал, мол ёғи, сутга айлантириб ҳисоблаганда қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш юзасидан 1977 йил январь-декабрь ойлари плани ошириб бажарилди.

(ЎзТАГ).

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

21 декабрь куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қузуридаги Давлат хавфсизлиги комитети ходимларидан бир группасига мукофотлар топширди. Улар Совет давлат хавфсизлиги органларининг 60 йиллиги муносабати билан шу мукофотларга сазовор бўлган эдилар.

Давлат хавфсизлиги комитети ходимларига СССР орден ва медаллари, Ўзбекистон ССР фахрий унвонлари берилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар ва кўкракка тақиладиган тегишли нишонлар, шунингдек, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари тантанали вазиятда топширилди.

Сўзга чиққан нотиқлар мукофотланганларнинг ҳаммаси номидан ўзларининг меҳнатига юксак баҳо берганликлари учун партия ва ҳукуматга миннатдорчилик билдириб, бутун куч ва билимимизни Совет Ватанининг давлат хавфсизлигини пухта таъминлаш ишига сарфлаймиз деб КПСС Марказий Комитетини, шахсан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневни ишонтирдилар.

(ЎзТАГ).

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Р. 21152. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Г. 1759.